Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 90 (21. 209) 1992 йил 7 май, пайшанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

ОҚИБАТЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ

26 апрель куни кечга томон кутилмаганда кучли сел келди. Сўнгра эса уч кун давомида кеча-кундуз ёмғир ёғди. Натижада Сирдарё вилоятининг Боёвут, Гулистон, Ховос, Меҳнатобод ҳамда Комсомол районларидаги қатор хўжаликларнинг экинзорлари жала ва ёмғир сувлари остида қолди. Йўллар, кўприкларни сел олиб кетди. Дастлабки кунги жала ва довул айниқса Боёвут районининг Пушкин номли, У. Юсупов номли, «Боёвут» каби йирик хўжаликларига катта зиён етказди. Маълум бўлишича, 420 хонадон уйининг томи учиб кетди. Чорвачилик фермаларининг бинолари катта зарар кўрди. Район бўйича жала ва ёмғир лойқалари остида қолган, кучли сел уриб кетган экин майдонлари район бўйича 11 минг гектардан ошиб кетди.

Ховос районида ҳам ёғингарчилик катта зарар етказди. Деярли 4400 гектар ердаги экинни сел ювиб кетди. Гулистон, Меҳнатобод, Комсомол районларида ҳам табиий офатдан жиддий зарар кўрган хўжаликлар талайгина.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиий офат хуружи туфайли кўрилган зарар вилоят бўйича 78 миллион 502 минг сўмни ташкил этмоқда. Сел келиш чоғида йирик чигит экилган майдонлар билан бир қаторда 1187 гектар боғ, 952 гектар токзор, 4 минг гектарга яқин бошоқли дон экилган майдонлар, 700 гектар ердаги сабзавот ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларига қаттиқ шикаст етказилди.

— Бундай қийинчиликларга деҳқонларимиз биринчи бор дуч келишаётгани йўқ, — дейди вилоят ҳокими Б. Маҳмудов. — Шунинг учун ҳам жипслик, ҳамжиҳатлик билан иш юритиб, қийинчиликларни тезда бартараф этамиз. Бунинг учун барча имкониятлар етарли.

Ҳақиқатан ҳам табиий офат ҳуруж қилган дастлабки кунларданоқ унинг оқибатларини тезлик билан бартараф этиш чоралари кўрилаётир. Вилоят ҳокимининг биринчи муовини А. Турдиқулов бошлиқ вилоят штаби куну тун ишлаб турибди. Худди шу каби штаблар барча районларнинг ҳокимиятларида ташкил этилган. Мавжуд техника воситалари, ишчи кучлари ана шу мақсадларга сафарбар қилинган.

Мутахассислар сел олган, жала урган, лой ва сув остида қолган ҳамда кучли намгарчилик туфайли илдиз чириш касалига чалинган жами 60 минг гектар майдонда чигитни қайта экиш лозимлигини аниқладилар. Ҳозир ана шу майдонларда қайтадан чигит экиш ишлари тугатилаётир.

Вилоят деҳқонлари шунингдек, қатқалоқни юмшатиш, ниҳолларга тезлик билан дастлабки ишлов бериш, шу йўл билан ниҳолларни жондантириб олиш чораларини кўряптилар. Ҳозир вилоят бўйича 600 та мотига, яъни қатқалоқ юмшатиш агрегатлари, 1300 та культиватор ишга солинган. Шундай қилиб, ҳар куни ўрта ҳисобда вилоят бўйича 15—17 минг гектар ердаги экинлар қатқалоғи юмшатилмоқда ва қатор ораларига ишлов берилмоқда.

Май ойининг биринчи ҳафтасига қадар экин майдонларининг 80 фоизида кўчатлар бир текис ундириб олинди. Ойнинг 15—18 кунларига қадар эса мавжуд барча майдонларда тўлиқ гектарлар яратилади. Шу мақсадда ҳозирги кунларда вилоят бўйича ялпи сафарбарлик эълон қилинди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шукуржон Мадаминова Тўрткўлдаги ип йигирув-тўқув комбинатида ишлайди. У доимо сифатли маҳсулот тайёрлашга интилади, зиммасидаги ойлик режа-топшириқларини ҳам ўз вақтида уддалайди. Шу боис, корхонада моҳир тўқувчини ҳамкасблари ҳурмат қилишади.

Суратда: Ш. МАДАМИНОВА.
Суратқаш Б. АЛЛАШЕВ.

МЕҲР-МУҲАББАТ РАМЗИ

Яшириб нима қиламиз: узоқ йиллар давомида маданий меросга бир ёқлама муносабатда бўлдик. Янгисини қурмай эскисини бузавердик. Шу жумладан Самарқанддаги тарихий обидаларни таъмирлаш ҳам турли баҳоналар билан орқага сурилаверди. Бунинг устига уларнинг ўрнида ёки ёнида турар-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари қад кўтарди. Аждодларимиз минг машаққатлар, қурбонлар эвазига қолдирган мерос кўз ўнгимизда нурай бошлади.

Тўғри, бу ҳолатга ортиқча чидаш мумкин эмас. Бироқ, чораси ҳам йўқ. Ҳали маблағ топилмайди, ҳали мутахассис излаймиз. Маҳаллий бюджетдан, туризмдан тушадиган даромад ҳеч нарсага арзимайди. Шундай пайтда биз вилоят ва шаҳар жамоатчилиги билан келишиб «Самарқандни қайта тиклаш жамғармаси» тузишга қарор қилдик. бу хайрли ишга чет эллардаги юртдошларимиз ҳам қўшилишди.

Мана икки йилдирки, Наврўз аёмида жамғарманинг хайрия марафонини ўтказяпмиз. Очиғи Регистон майдонида бўлаётган бу тадбир Самарқандга меҳру-муҳаббати, ҳурмати бўлган кишиларнинг саховат сайилига айланяпти. Вилоятимиз, жумҳуриятимизнинг барча бурчакларидан фидойи кишилар келиб ўз ҳиссаларини қўшдилар. Жумладан жамғармага Американинг «Дела Маре» фирмаси президенти Жозеф Амико — 5 минг сўм, Покистоннинг «Саньшань» фирмаси президенти жаноб Наим Аршат, Покистон Банки президенти жаноб Муҳаммад Иброҳим ва унинг рафиқаси Назокат Иброҳим 2 минг сўмдан пул ўтказдилар. Хуллас бугунга қадар жамғармага 5 миллион сўмга яқин маблағ тушди. Гап фақат пулда эмас, одамлар Самарқандни қайта тиклаш учун бошлаган ишимизни маъқуллашди, қимматли таклифлар, мулоҳазалар айтишди.

Хўш, тўпланган маблағ нималарга сарфланяпти? Энг аввало шуни таъкидлашим керакки, шаҳримизда халқ қаҳрамони Спитаменга ўрнатилажак ёдгорлик учун қарийб 1 миллион сўм ажратдик. Жамғарма маблағи эвазига Ишратхона, Бибихоним, Шердор обидаларида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Жамғармамиз темир йўл вокзали атрофини ободонлаштириш, Рудакий ёдгорлигини ўрнатиш, Аликсеевский соборини таъмирлашга ҳам ёрдам беряпти. Умуман халқ жамғармаси шаҳарда яшаётган барча миллат ва элатлар манфаатларига хизмат қилиши тўғрисида қайғуряпмиз.

Самарқандни қайта тиклаш режасида боғ-роғларни кўпайтириш ҳам мўлжалланган. Қадимда Амир Темур шаҳар атрофида 12 та йирик боғ яратган экан. Боғибаланд, Боғизағон, Боғишамол, Боғидилкушо, Боғижаҳаннамо, Боғимайдон ва ҳакозо. Минг афсуски, эътиборсизлик туфайли уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетган. Бу боғларни тиклашда бевосита халқ ҳаракатига таяндик.

Ҳозир шаҳар атрофида 2 минг гектарлик боғ ва токзорлар барпо этилди. Уларга Навоий, Жомий, Даҳбед, Гулистон, Улуғбек номлари берилди. Ҳар битта боғ ўртасида чойхона қуриляпти. Бу ишни бевосита жамоа хўжаликларининг ўзи амалга оширяпти.

Исмоил Бухорий Шарқнинг буюк алломаларидан бири. Шу боис унинг ёдгорлиги сайёҳларнинг қадамжосига айланган. Яқинда бу ерга таштриф буюрган Саудия Арабистонилик дин пешволари ёдгорликни таъмирлашга ёрдам бермоқчи бўлишди. Меҳмонлар ҳозирча бу ишга 25 минг доллар ўтказишди. Биз дарҳол банкда «Исмоил Бухорий жамғармаси» ҳисобини очдик. Бундан ташқари бу ерда Саудия Арабистони вакиллари умумий қиймати 100 миллион сўмлик маърифий марказ қуриш ниятида.

Шунингдек XVIII асрга тегишли бўлган Ҳазрати Хизр мачити 1915 йилда таъмирлангандан буён Афросиёб майдонининг бир қисмида қаровсиз ётган эди. Швейцариядаги «Бравер Трейд» фирмаси президенти доктор Абдураҳмон Зокирий ушбу ёдгорликни таъмирлаш учун 2,5 миллион сўм ўтказишга шартнома тузди. Бундай битимлар, алоқалар Самарқандининг обрўсини янада оширишга хизмат қиляпти.

Фақат бугина эмас шу йилнинг ўзида темир йўл вокзалининг янги замонавий биноси, шу ерда шарқона услубда қурилган бозор ва Снёб ноҳиясида тунги бозор ишга туширилади. Насиб этса ҳиндистонликлар барпо қилаётган «Кўксарой» меҳмонхонаси ҳам дастлабки меҳмонларни қабул қилиши мумкин. Жамғармамизнинг асосий мақсади шаҳардаги осори-атиқларимизни асрашдан иборат.

Самарқанд қадим-қадимдан ер юзининг сайқали сифатида машҳурдир. Ана шу обрўни, нуфузни янада сарбаланд этиш бизнинг асосий мақсадимиз.

П. АБДУРАҲМОНОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими, Халқ демократик партияси вилоят кенгаши бюроси аъзоси, Самарқандни қайта тиклаш жамғармаси раиси.

АКАДЕМИЯ ФАНИ: ТУБ ЎЗГАРТИШЛАР ЗАРУР

● 5 май куни Ўзбекистон Фанлар академиясининг йиллик умумий йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, республикада амалга оширилаётган туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгартишларга олимларнинг қўшадиган ҳиссасини оширишда илмий жамоалар олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳитдинов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Фанлар академияси раёсатининг бош илмий котиби, академиянинг мухбир аъзоси Қ. Ғ. Ғуломов республика Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари ишларининг асосий якунлари тўғрисида маъруза қилди.

Академия фаолиятида ўтган йил республиканинг бозор муносабатларига ўтиши, мустақил демократик давлат асосларининг шакилланиши, ижтимоий тараққиётнинг асосий вазифалари ҳал этилиши билан боғлиқ бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. У илм-фанни ташкил этишнинг жадал шаклларини излашда, илмий муассасаларни бошқаришда, демократик асосларни кучайтиришда бир босқич бўлди. Айни шу даврда фанлар академияси ўзини-ўзи бошқарадиган мустақил ташкилотга айлантирилди.

Академия муассасаларида 49 та илмий йўналиш доирасида, шу жумладан ядро физикаси, микроэлектроника, математика ва ҳисоблаш техникаси, энергетика, биотехнология, янги материаллар ва моддаларни яратиш каби йўналишларда 633 та мавзу бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Халқ хўжалиги тармоқларида 100 га яқин ишланмалардан фойдаланилди, улар келтирадиган иқтисодий самара 120 миллион сўмдан ҳам кўпроқдир. Юқори энергия физикаси соҳасида, математиканинг замонавий йўналишларида, табиий бирикмалар кимёси, ер тўғрисидаги фанда — фундаментал тадқиқотларда ҳам, амалий ишларда ҳам бир қанча муҳим натижаларга эришилди.

Шу билан бир вақтда, дейишди йиғилиш қатнашчилари, фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган бир қанча йўналишларда жиддий қолоқлик мавжуд. Олимларни тайёрлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, фаннинг тажриба базасини ривожлантириш ишида муаммолар кўп. Масалан, сўнгги икки йил ичида асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ажратиладиган маблағ икки баравар камайтирилди. Илмий жамоаларнинг куч-ғайратларини устувор йўналишларга қаратишга уриниш кутилган натижани бермади. Академияда турли муаммолар юзасидан ўттиздан ортиқ илмий кенгашлар тузилган, лекин улар амалда ҳеч иш қилмаяпти.

Йиғилишда республикада илм-фан-техника сиёсатини шакллантиришнинг асосларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Йиғилиш қатнашчилари ишлаб чиқариш соҳасида бозор муносабатларига ўтишнинг иқтисодий алоқалари ҳали тўла қайта қурилмаганлигини айтдилар. Бинобарин у ҳамон фан-техника янгиликларидан фойдаланишга мос эмас. Масалан сўнгги икки йил ичида ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиш учун аввалгига нисбатан учдан бир баравар кам ишланма топширилди.

Фанлар академиясида ишлаётганлар камайиб кетди. Тадқиқот муассасаларидан 400 га яқин ходим, конструкторлик ташкилотларидан 600 нафардан кўпроқ одам кетиб қолди. Бунинг устига энг истеъдодли ёшлар фаолиятнинг яхшироқ таъминланган соҳаларига, яъни ишлаб чиқаришга, ишбилармонликка ўтиб кетишди.

Илм-фаннинг моддий-техникавий ва тажриба базасида айниқса ноқулай аҳвол юз берди, уни мустаҳкамлаш муаммоси ишбилармонлик билан ёндашувни талаб қилади. Зарур асбоб-ускуналарни, реактивларни сотиб олиш учун илмгоҳларнинг маблағи йўқ. Илм-фанни товар-хом ашё биржалари орқали таъминлаш эса академия муассасаларининг ночор аҳволдаги бюджетига катта зарба бермоқда.

Нотиқлар таъкидлаб ўтганларидек, илмгоҳлар чет мамлакатлар билан бевосита алоқаларини фаолроқ йўлга қўйиб, қўшма корхоналар ва лабораториялар барпо этиш тўғрисида хорижий фирмалар билан бевосита шартномалар тузишлари лозим. Бу эса валюта ишлаб топиш ва шу йўл билан илмий муассасалар базасини мустаҳкамлаш имконини беради.

Олимларнинг куч-ғайратларини пахтачилик мажмуини, электроникани, илмий асбобсозликни ривожлантириш, минерал-хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежаш каби муаммоларни ҳал этишга сафарбар этмоқ лозим. Табиатни муҳофаза қилиш, халқ хўжалиги ва тиббиёт учун янги препаратлар ва биотехнологияларни яратишга доир тадқиқотлар устувор йўналиш бўлиши керак. Шунингдек ҳуқуқшунос олимлар, иқтисодчилар, файласуфлар, тарихчилар, тилшунослар ва адабиётшунослар фаолиятини кучайтириш зарур. Ёш олимлар тайёрлашни яхшилаш, бунинг учун уларни жаҳондаги энг йирик илмий марказларда ўқитиш имкониятларидан фойдаланиш илм-фанни жадал ривожлантиришнинг муҳим омили бўлмоғи керак.

Йиғилишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг янги низоми қабул қилинди. Низом янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда академия фаолиятини тартибга солади. Республика Фанлар академиясининг раёсатига низомни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш топширилди. Ўзбекистонда тузилган Олий аттестация комиссиясининг раиси Б. О. Тошмуҳамедов комиссия ишининг иқтиқболлари ҳақида ахборот берди.

Йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Муталов нутқ сўзлади.

Йиллик умумий йиғилиш ишида Бош вазирнинг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. С. Саидқосимов, Ўзбекистон Давлат фан ва техника комитетининг раиси Н. Р. Юсупбеков, бир қанча вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

ОЙ БОРИБ ОМОН ҚАЙТИНГ, ЗИЁРАТЧИЛАР

Муборак ҳаж кунлари яқинлашмоқда. Шу боисдан Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси фуқароларнинг Саудия Арабистонига зиёратини уюштиришда ёрдам бериш хусусида мурожаат этди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси фармойиш қабул қилди. Унда жумладан қуйидагилар кўзда тутилган:

«Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси шу йил май ойининг охири ва июнь ойининг бошларида зиёратчиларни Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрига элтиб қўяди ва ҳожиларни қайтиб олиб келади. Зиёратчилар сафар харажатларини ўзлари кўтарадилар.

Республикамизнинг кўпгина вилоятларидан зиёратчиларнинг Макка сафарига чиқиши мўлжалланмоқда. Улар Тошкентдан ташқари Бухоро, Самарқанд ва Фарғона шаҳаларидан ҳам йўлга чиқадилар. Фармойишга кўра сафар ҳужжатларини расмийлаштириш Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, божхона комитети зиммасига юклатилди.

Сафар чоғида Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг буюртмасига кўра зиёратчиларга малакали врачлар ҳамроҳ бўладилар. Зарур дори-дармонлар ажратилади. Сафар сарф-харажатсиз бўлмайди, албатта. Шуни ннобатга олиб, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки зиёратчиларнинг пул маблағларини имкониятга қараб белгиланган тартибда чет эл валютасига алмаштиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича комитетга жумҳуриятимиз мусулмонларининг Саудия Арабистонига ҳажга боришларини ташкил этишга дахлдор барча масалаларни ҳал этиш топширилди.

ХОНОБОДДА ТАНТАНА

Кўпчилик Хонобод шаҳрини (илгариги Советобод) кўркамлиги, озодалиги, табиий гўзаллиги ва баҳаволиги ҳақида илиқ гапларни айтишади. Улар албатта ҳақ. Эндиликда йигирма ёшга тўлган бу шаҳарни содда қилиб айтганда, кўрмаганлар армонда қолади.

Яқинда эса шаҳарнинг йиллигига бағишлаб катта тантана бўлиб ўтди. Шодиёнага жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан ва қўшни Қирғизистондан шаҳарни бунёд этишга ўзларининг муносиб улушларини қўшган кишилар, адиб ва шоирлар, кўзга кўринган фахрийлар қатнашдилар. Маъракага бағишлаб ўтказилган тантанада сўзга чиққанларнинг аксарияти шу шаҳарни бунёд этишга ўзининг бетакрор улушини қўшган, узоқ йиллар бу ерда раҳбарлик қилган Солижон ака Меҳмонов ҳақида мамнуният туйғуси билан йўғрилган дил сўзларини айтишди.

Савдо ярмаркалари, санъаткорларнинг катта концертлари ташкил қилинди. Тантанада вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев қатнашиб, шаҳар аҳлини қутлади. Байрам шодиёналари адирлар бағрида жойлашган боғларга кўчди. Оммавий сайлга айланди.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Р. Р. РАЖАБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ КОТИБИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Раҳим Ражабович Ражабов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 6 май.

Раҳим Ражабович Ражабов 1937 йилда Бухоро вилоятининг Коракўл районидаги Ленин номли колхозда хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Уйланган, уч фарзанди бор. Олий маълумотли, 1960 йилда Ўрта Осиё политехника олий билимгоҳини тугатган.

Билимгоҳни тамомлагандан кейин ихтисоси бўйича «Ташсельмаш» заводига юборилган, муҳандис-конструктор, технолог, мастер, цех бошлиғи бўлиб ишлаган. Сўнгра пахтачилик учун машиналар давлат конструкторлик бюросида цех бошлиғи, Иттифоқ Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги вазирлигининг Тошкентдаги давлат машинасозлик бюросида меҳнат қилган, республика Маҳаллий саноат вазирлиги давлат махсус бадний-конструкторлик-технология бюросига бошчилик қилган, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси бўлган.

Р. Р. Ражабов саксонинчи йилларда Тошкент экскаватор заводи директори, сўнгра «Алгоритм» заводи директори, Тошкентдаги «Машхлопок» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори бўлиб ишлаган.

1990 йилдан то Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби этиб тайинлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ОРТДА ҚОЛСАНГ, ОНГ ҲАМ ОҚСАР

● Ленин йўли райони ҳокими Раҳмат Шоймов Халқ демократик партияси район кенгаши биринчи котиби Эшонқул Холиқовнинг хонасига кириб келди. Қайсидир бир ишни маслаҳатлашиб олдилар. Шоймов хўжаликлардан бирига чиқаётганини билдирди. Эртанги кунга тегишли яна бир гапни фикрлашдилар-да, хайрлашдилар.

УЛАР илгари бирга ишлашган. Ўзбекистон Компартияси район қўмитасига Шоимов — биринчи, Холиқов — иккинчи котиб эди. Бугун ҳам бирга ишлашяпти. Лекин вазифалари бошқа-бошқа. Аҳиллик, ўзаро ҳурмат — ҳамишагидай. Бу шунчаки, вақтида бирга ишлаганмиз деган истиҳоладан эмас. Бу аввало бир-бирининг қилаётган ишларини эътироф этиш белгисидир.

Эшонқул Холиқов ҳов ўқувчилик йилларидан бошлаб раҳбар. Пионер, комсомол етакчиси. Ёш, даллиғулли йигит. Ўрни келганда қаттиқ-қуруқ гапиради. Лекин гапини биров кўнглига олмайди. Чунки, самимий гапиради. Бир салоҳияти бордирки, ёши улуғлар ҳам унинг номини Эшонқул Зоирович, деб тилга олишади.

Янги партияга биринчи котиблик ишини бирданига ўнглаб-ўнгариб олиб кетди, деб айтолмаймиз. Халқ демократик партияси Ўзбекистон Компартиясининг мулкий ва қисман ғоявий вориси бўлади, деган гап партия ишига ўтганларга бир қадар таскин бергани ҳеч кимга сир эмас. Бироқ пайғамбар ҳозирни кўрибди, деган, гап бор. Ҳозирги шароитда ишларни йўлга қўйиш осон бўлмаяпти. Бир замонлардагидек кунда-кун ора бюро мажлиси чақириб, бизга йўлдош бўлолмасанг, партия билетингни чўз, деган гаплар, режани бажармасанг, лавозим курсисини бўшат, деган пўписалар қайда. Кўпгина жойларда партия идоралари юқори қаватлардан қуйи қаватларга кўчирилди. Штатлар қисқарди. Машиналар, телефонлар камайтирилди. Жарқўрғон районидаги бир хўжаликнинг партия ташкилоти котиби билан гаплашганимда у ҳасрат қилди. Тўрачиликка ўрганган директоримиз илгариги партиянинг мавқеи тушганини байрам қилиб юрибди. Хизмат машинамни олиб қўйди. Менга топшириқ бермайдиган, айни пайтда унинг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосариман ахир, мен билан фикрлашмайдиган бўлиб қолди, деди. Бундай ҳолат, тўғриси, бошқа жойларда ҳам кўзга ташланмасдан қолмади.

Холиқов етакчи бўлган кенгаш ҳеч кимдан имтиёз таъма қилмади. Замонимиз ўтган эканда, деб қўл қовуштириб ўтирмади. Жамият борки, сиёсат бор. Сиёсий қарашлар кураши бор. Кенгаш жойларда бошланғич ташкилотларни шакллантиришга катта эътибор берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низоми ва Дастури одамлар ўртасида чин маънода ташвиқот қилинди. Қистов бўлгани йўқ. Шу партияга сен ўтишинг шарт, деган гап бўлгани йўқ. Аксинча, янги партиянинг илгаригидек имкониятлари бўлмаслиги, умуман партиявий ҳукмронлик бўлмаслиги очиқ-ойдин айтилди. Айни пайтда янги партия халқ манфаатларининг толмас жонкуяри бўлишлиги тушунтирилди.

Бугунги кунда районда 1560 партия аъзоси бор. 37 та бошланғич ташкилот атрофида жипслашган. Ҳозир райондаги ХДП аъзолари жамият ҳаётининг барча соҳаларини яхшилашга фаол киришиб кетган, десак тўғриси, муболаға бўлар. Бироқ бир нарса ҳақ: аъзолик бадалини тўлаш интизоми яхши. Ижроия бюроларнинг фаолияти яхши. Илгари, эсингизда бўлса, қишлоғида кимлар коммунист эканлигини ёш болалар ҳам билишарди. Қайси маслакдан, қайси гуруҳдан эканлигини одамлар билишса — бу яхши нарса. Эндиликда Ленин йўли районида ҳам ХДП фаоллари элга танила бошланди. Бу партиянинг чин маънода эътироф этилаётганидан нишонадир.

Бир мисол: «Истара» давлат хўжалигидан Султон Бердиев деганнинг бригадаси ихтиёрий равишда партиянинг деҳқончилик хўжалиги сифатида ишлаш истагини билдирди. Бригада аъзолари партияга ўтишди. Ҳозир 35 гектар майдонда пахта етиштиришяпти.

Умуман кенгаш молиявий танқисликдан чиқиб олди. Ҳисобида ҳозир 160 минг сўмдан зиёд пули бор. «Тадбиркор» фирмасини ташкил этган эдилар. Фирма район аҳолисини қурилиш ашёлари билан таъминлашда бир талай ишларни бажарди. 13 вагон ёғоч келтириб сотди ва ўзининг муассисига — район партия кенгаши ҳисобига 25 минг сўм пул ўтказди.

Кенгаш қошидаги маданий-ахборот маркази ишини айтинг. Марказ ижтимоий тадқиқотларни ўтказаяпти. Марказда 7 та таълим тармоғи — курс ишлаб турибти. Бу тўгаракларда ёшлар кичик ҳамшираликни, эски ўзбек ёзувини, бичиш-тикишни ва бошқа касбларни ўрганмоқдалар.

— Бу ишлар ўзимиз маблағ билан таъминлашимизга асқотади, — дейди Эшонқул Холиқов. — Эҳтимол шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб бошланғич ташкилотларнинг котибларига маош тайинлаш ёки уларни бошқачароқ тартибда моддий рағбатлантириш имконига эга бўламиз. Келгуси йилдан бўлса аъзолик бадалини бошланғич ташкилот тасарруфида қолдириш мумкинлигини ўйлаяпмиз.

Айни пайтда Холиқов асосий ишни бошқа томонда деб билади. Одамларга ҳамкор, ҳамдард, ҳамелка бўлмоқ керак. Бу энди ўзини ўзи боқишдан, маблағ яратишдан ҳам қийинроқ иш. Ҳокимиятнинг оғзига қараб, майда-чуйда ишлар гирдобида ўралашиб ҳам юриш мумкин.

— Лекин бу усул бизга, шахсан ўзимга мутлақо тўғри келмайди, — дейди биринчи котиб. — Айрим хайрли ишлар ривож олмаётганлигини кўриб қовурғаларим қайишиб кетгандай бўлади. Масалан, бизда фермер хўжаликларига эътибор ёмон. Уларга ер ажратиб бериш, улар билан ҳамкорлик қилиш ёмон. Эҳтимол биз ҳозирча худди шу соҳани оталиғимизга олармиз. Бу усулнинг афзаллигини одамларга тушунтира билармиз.

Кейин, биз маорифни тубдан ислоҳ қилиш тарафдоримиз. Келажагимизнинг тақдири муаллимларнинг қўлида. Лекин ўқиш — ўқитишни яхшилаш учун фақат муаллимнинг маошини ошириш, унинг имтиёзини кенгайтириш кифоя эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бу соҳада фақат уқуви бор одамлар ишламоғи лозим. Бу гапни мен мактабда мутлақо қобилиятсиз деб топилган бир бола мулланинг қўлига тушгач бир ойдан сўнг Қуръон ўқий бошлаганини билганим учун айтаяпман.

Шундан сўнг биз Ленин номи билан аталадиган хўжаликнинг идорасига бордик. Бошланғич ташкилотларнинг котиблари хўжалик партия ташкилоти котиби Ғаффор Жумаевнинг ҳузурига тўпланишипти. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг IV Пленуми якунлари хусусида семинар-кенгаш ўтказилаётган экан. Семинар юз фоиз кўнгилдагидек ўтди, деб айтолмайман. Лекин фикр алмашишлар, баҳс-мулоҳазалар фойдали бўлди. Ортда қолмаслик керак. Ортда қолсанг, онг ҳам оқсар. Ортда қолмаслик учун эса одамлар ичида бўлиш кифоядир.

Йиғилишнинг умумий хулосаси шу бўлди.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАЛБ САХОВАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БУХОРО ШАҲАР КЕНГАШИ ХАЙРИЯ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши Бухорода якка-ёлғиз яшаётган қария ва ногиронларга ёрдам хайриясини ўтказди. Радиомарафонни бошлашдан анча муқаддам кенгаш бу тадбирдан бошланғич партия ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларини хабардор қилиб, унда фаол қатнашишга даъват этди. Бунга жавобан кўпгина меҳнат жамоалари хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишди. Жумладан, Бухоро ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси хайрия ҳисобига 50 минг сўм пул ўтказди. Бухоро иссиқлик тармоқлари корхонаси, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари шаҳардаги кўпгина корхоналар 10 минг сўмдан пул ўтказдилар. Умуман хайрия радиомарафони бошлангунга қадар унинг банкдаги ҳисобида деярли 120 минг сўм маблағ тўпланди.

Хайрия марафонидан тушадиган маблағ вилоят марказида якка-ёлғиз яшаётган қария ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатишга сарфланишини эшитиб, майдонга келган бухороликлар унга ўз ҳиссаларини қўшишди. Қисқа муддат ичида майдон ўртасига қўйилган ойнаванд қути пул билан тўлди. Кейин аниқланишича бухороликлар шу мақсадда қарийб 30 минг сўм хайрия қилишибди.

Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси бошқармаси қария ва ногиронлар фойдасига ўтказиладиган ким ошди савдосига телевизорлар, магнитафонлар, болалар аравачалари ва бошқа тақчил буюмларни арзон нархда таклиф этишди. Фақат шунинг эвазига хайрия фондига 81 минг сўм соф фойда тушди. Шунингдек, шаҳар матлубот жамияти хўжалик ҳисобидаги марказий универмаг савдо ходимлари ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳозиргача хайрия радиомарафони туфайли 350 минг сўмдан кўп маблағ тўпланди. Бунинг ҳаммаси шаҳарда истиқомат қилувчи 500 га яқин якка-ёлғиз қария ва ногиронлар эҳтиёжига сарфланади.

Шаҳар кенгаши тузган ташкилий комиссия уларга кўрсатилаётган ёрдамнинг тартибини ишлаб чиқяпти. Шу мақсадда бундай кишиларнинг хонадонида бўлиб уларнинг хоҳиш-истаклари ўрганилмоқда. Кимдир жамғарма банкига унинг номига ҳисоб очишни илтимос қилса, бошқа биров кийим-кечак харид қилиш, айримлари эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатишни илтимос қилишмоқда. Улар кўрсатилаётган ғамхўрлик учун ХДП Бухоро шаҳар кенгаши ва меҳнат жамоаларига чуқур миннатдорчилик изҳор этишмоқда.

Шаҳар кенгаши дастлабки тажрибага таяниб саноат-қурилиш банкидаги 002700836 рақамли хайрия фондига доимий тус бериш ниятида. Бу фонд орқали меҳнат жамоалари зарурат туғилиши биланоқ шаҳардаги якка-ёлғиз қария ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатишга тайёр турадилар.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ҚАРАТИЛДИ

● Ўзбекистон ХДП Навбаҳор райони кенгашининг ташаббуси билан яқинда «Халқ демократик партияси: муаммолар ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Бу юзма-юз мулоқотда район касаба уюшмаси ва ёшлар қўмитаси фаоллари, маориф ходимлари, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, ХДП район кенгаши бошланғич ташкилотлари котиблари иштирок этишди. Суҳбатни ХДП район кенгашининг биринчи котиби Э. Тоғаев бошлаб бериб, парламент типидаги халқ партиясининг нуфузи хусусида тўхталди. Шундан сўнг мунозарада «Гигант» давлат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби А. Пирматов, район ёшлар қўмитаси биринчи котиби В. Зарипов, район халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Э. Ҳамидов сўзга чиқиб, ХДП мавқеини ошириш, партияга қабул масаласини тубдан яхшилаш, сиёсий ахборотчилар ишини йўлга қўйиш, қуйи бўғинлар билан ҳамкорликни янада жонлантириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Мулоқотда шунингдек, иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиш, район аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш хусусида ҳам фикр алмашинди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

● ХДП Қизилтепа район кенгаши ҳузурида белбоғ тикиш, жемпер тўқиш цехлари иш бошлади. Уларни асбоб-ускуна, маблағ билан таъминлашни кенгаш ўз зиммасига олди. Кўрилаётган фойда эса ХДП район нуфузини оширишга, уни моддий жиҳатдан мустаҳкамлашга сарфланмоқда. Яна бир хайрли ташаббус — бу район партия кенгаши ҳузурида тўқувчилик, тикувчилик касбларини ўргатувчи ойлик курсларининг очилганидир. Ҳозир бу курсларда 20 нафар қиз-жувон касб сирларини ўрганишмоқда.

Шунингдек, бу ерда рассомчилик тўгараги ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ҳадемай кенгаш ҳузурида ёш рассомлар ҳам мустақил иш бошлайди. Бундан ташқари ХДП район кенгаши ўзини-ўзи молиявий таъминлаш мақсадида бошланғич ташкилотлар кўмаги билан жойларда кулолчилик, сандиқсозлик ишларини ҳам йўлга қўймоқда. Шу ўринда «Умид», «Парвоз» кичик корхоналари ишини алоҳида таъкидлаш керак.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти.

• ИШЧИЗОДАЛАР

СУЛОЛА

Жумҳурият мустақиллигининг эълон қилиниши халқ ҳунармандчилиги анъаналарининг тикланишига, бу тармоқнинг янги куч билан ривожланишига кўмак бераётир. Жойларда темирчилик, кулолчилик, ҳунармандчилик, чиннисозлик ва халқ амалий санъатига оид касблар қайтадан жонланяпти. Авлодлар мероси бўлиб қолган бу касбларга кўпчиликнинг қизиқиши ортмоқда. Ҳунармандлар тайёрлаётган маҳсулотлар эса харидоргир бўлиб боряпти.

— Отамиз темирчи ўтган, — дейди қашқадарёлик уста Амин Бегимқулов. — У киши вилоятда ном чиқарган уста бўлган. Умрининг охирига қадар «Ё, пирим Довуд» дея тик оёқда болға урган. Мана, энди сулолани биз давом эттиряпмиз. Очиғи, шу касб этагини тутиб ютказмадик.

Дарҳақиқат, Бегимқул бобонинг фарзандлари отадан қолган яккаю-ягона мерос — устахонада ишлаб, кам бўлишмади. Халқ орасида танилиб, уста деган ном қозонишди. Кейинчалик Амин Бегимқулов ва унинг укалари Қарши чўлини ўзлаштиришга йўл олдилар. Яккабоғдан Ульянов районидаги янги ташкил этилган «Ғалаба» давлат хўжалигига келиб макон топишди. Бу ерда ҳам ака-ука усталар темирчилик цехи очишди. Кўчиб келганлар оилалари учун турли хил эҳтиёжбоп буюмлар ясаб беришди.

Умр оқар сув экан. Мана шунга ҳам йигирма йил бўлиб қолибди. Яқинда уста Аминни ҳамкасблари, шогирдлари ва хўжалик аҳли иззатикром билан фахрийга чиқаришди. Бироқ меҳнат фахрийси уйида тинч ўтиролмади. Зеригканида укаларининг ёнига бориб қўлига болға олади. Куни кеча эса унинг ташаббуси билан хўжаликда тегирмон қурилди. Ҳозир ушбу тегирмон 2,5—3 тоннагача донни унга айлантирмоқда.

Айни чоғда ота касбини Маҳмуд ва Чори Бегимқуловлар давом эттиришяпти. Очиғи, пайғамбар ҳазрати Довуднинг касби — темирчилик бу оилага мерос, десак янглишмаймиз. Зотан, бу оилада шу касб авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Улар йиллар давомида эл хизматига камарбаста бўлишган.

Тўғри, техника тараққиёти даврида темирчининг иши майда-чуйда ишдек туюлади. Дейлик халқа, гулмих, бел, кетмон, ўроқ, от туёғига тақа ясаш... Бироқ бугунги кунда буларнинг ҳаммасига эҳтиёж катта. Айниқса баҳорги ёғин-сочин кунларида қатқалоқ юмшатиш учун темирчи ясаган қўлбола ускуналар жуда қўл келади. Ғўза парвариши, экин майдонларини шудгорлаш пайтида темирчининг иши янада кўпаяди.

Ҳайдов трактори ишлаб турса, унга темир ҳам чидамайди. Шу боис, деҳқон ёрдам сўраб темирчига мурожаат қилади. Иморат қуриш мавсумида ҳам одамлар лой отишга мўлжалланган мосламалар ясатиш учун устахонага зир югуришади. Бинобарин, йилнинг тўрт фаслида темирчи тиним билмайди.

Бундай олиб қараса, темирчига ҳам осонмас. Эртаю кеч олов билан «тиллашиш»га тўғри келади. Тақа-туқдан қулоқлар том битади. Тўғриси, бу касбга ихлос қўймаган, уни жон-дилидан севмаган киши темирчиликни пухта эгаллай олмайди.

Бегимқуловлар буни яхши тушунишади. Шу боис, касбга садоқат билан меҳнат қилишади. Дейлик, уста Маҳмуд йигирма беш йилдан бўён шу касбни улуғлайди. Илгари у отасига, кейинчалик акасига бу соҳада суянчиқ бўлганди. Сўнг ўзи мустақил устахона очди. Элликдан зиёд турдаги меҳнат қуролларини ясади.

Укаси Чори ҳам отаси, акалари изидан боряпти.

Ҳозир у таъмирлаш устахонасида аккумуляторларни ремонт қилади. Токарлик касбини пухта эгаллаган. Бу ёғини сўрасангиз, ака-ука чилангарлар хизматидан эл мамнун. Устахона қунига мижозлар билан гавжум. Бировга болта керак, бошқа бирига кетмон, яна бировнинг отига тақа ясаш лозим. Хулоса иш кўп.

Ҳозир Маҳмуд аканинг фарзандлари ҳам устахонага бот-бот қатнайдиган бўлишган. Машғулотлардан бўшади дегунча, отаси ва амакиси ёнига ёрдамга келишади. Ўғилларининг бу ишга иштиёқи зўрлигини фаҳмлаган уста ўзига таскин беради: «Олий ўқув юртларига кириб ўқимаса, ҳунарли бўлар, касб ўрганар, менинг ишимни давом эттирар», деб ўйлайди. Демак, келажакда қўлидаги болғани оладиган одам бор. Бинобарин, бу ёғига кўнгли тўқ. Касбидан нолийдиган жойи йўқ. Рости, ким ҳам тирикчилик манбаини ёмонлайди.

Бироқ темирчилик устахонасидаги муаммолар бир олам. Энг ёмони хом ашё — металл ва кўмир етишмайди. Бунинг устига нархи ҳам қиммат. Ноилож югуриб-елиб топишга тўғри келади. Меҳрини, бутун куч-қувватини бериб маҳсулот ясайди. Лекин олган иш ҳақига зўрға оилани тебратади.

Яна бир муаммо — устахона биноси эски, нураб тушаётган тўрт девор ўртасида жойлашган. Маҳаллий ҳокимият раҳбарларига учрашса, «биз техника асрида яшаяпмиз, темирчиликка бало борми» қабилида иш тутишади. Демак, ҳаммасини ўз кучғайратига ишониб эплашга тўғри келади.

Очиғи Бегимқуловлар ва уларнинг ҳамкасблари буни эплашяпти. Улар замона зайлига қараб, темирчилик ҳеч вақт касодга учрамаслигини амалий ишлари билан исботлашяпти, элнинг оғирини енгил қилишга бел боғлашган. Шу боис, одамлар темирчилар хизматидан мамнун бўлиб, уларга тасанно дейишмоқда.

Жўра ЮСУПОВ,
Қашқадарё вилояти.

ҒАЛАБА БАЙРАМИ АРАФАСИДА

ОТАХОНЛАР ИЗЗАТДА

● Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигининг муҳташам Маданият саройида вилоят шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган Улуғ Ватан уруши фахрийларини Ғалаба байрами билан табриклаш маросими бўлди.

Қутлуғ тантаналарни нишонлашга мўлжаллаб қурилган Маданият саройи уруш фахрийлари ихтиёрига берилди. Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев, республика уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Р. Ғуломов отахонларни байрам билан табриклаб, эзгу тилаклар билдиришди.

Фахрийлар номидан сўзга чиққанлар республика ҳукумати амалга ошираётган ишлардан миннатдор эканликлари ва ҳозирги мураккаб шароитга қарамасдан қўлларидан келган барча юмушларни бажонидил бажаришга тайёрликларини изҳор этишди.

Кечада бир пиёла чой устида вилоят ва район ҳокимиятлари томонидан фахрийларга аталган қимматбаҳо совға-саломлар топширилди. Республиканинг таниқли созанда ва хонандалари тантанага файз киритдилар.

Кечада Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов ва районлар партия кенгашидан вакиллар иштирок этдилар.

М. АБДУНАБИЕВ.

ТОШКЕНТ ЛИЦЕНЗИЯСИ БИЛАН

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» АХБОРОТ-ТИЖОРАТ МАРКАЗИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

- «ЗИЛОЛА» ХИЗМАТИНГИЗДА
- БИР ЙИЛДА 10 МИЛЛИОН ДОНА
- ЯНГИ ШИША ИДИШ ЗАВОДИ
- «НАВРУЗ» ЖАҲОН КЕЗАДИ

Пойтахтнинг Султонали Машҳадий кўчасидан ўтиб қолсангиз, катта йўл бўйидаги «ЗИЛОЛА» ФИРМА ДУКОНИ беихтиёр эътиборингизни тортади. Уни кўриб «Бу ҳам кейинги вақтда ёмғирдан сўнг униб чиққан қўзиқориндек кўпайиб бораётган тижорат магазинларининг биридирда» деган хаёл кўнглингиздан ўтиши мумкин.

Аммо... Ичкарига кирибоқ бу ўйингиздан қайтасиз. Дўконнинг шинам ва ораста қилиб безатилганлиги, ундаги ранг-баранг ҳузурбахш ичимликлар бир зумда сизни сеҳрлаб олади. Нархи ҳам кўпчиликнинг таъбига мос: тижорат магазинларинкидан анча арзон, қовоқ аридек чақиб олмайди.

ШУНИСИ ҚУВОНЧЛИКИ, БУ ДУКОН ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИ МЕҲМОНЛАРИГА ЎЗИГА ХОС СОВҒА БЎЛДИ. УНИ ТОШКЕНТ ШАМПАН ВИНОЛАРИ ЗАВОДИ МАЪМУРИЯТИ ҚУРИБ, ИШГА ТУШИРДИ. Бу корхонанинг ўз маҳсулотларини сотишга ихтисослаштирилган дастлабки савдо тармоғи. Завод жамоаси йўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган ҳозирги оғир шароитдан чиқишнинг ана шундай мақбул йўлини танлаётгани бежиз эмас. Корхонада бор-йўғи 200 ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улардаги тадбиркорлик билан узоқни кўзлаб иш юритиш, бурчга садоқат, меҳнатга муҳаббат ҳисси режаларнинг дадил уддаланишига йўл очмоқда. Жамоанинг тинимсиз изланишлари эвазига талабчан харидорларнинг эътиборини тортадиган, уларнинг эҳтиёжини қондирадиган янги маҳсулотларнинг турлари кўпайиб бормоқда. Бунга албатта осонликча эришилаётгани йўқ. Корхонанинг кўп йиллик бой тарихига назар ташласангиз, жамоанинг йиллар синовини мардонавор енгиб, қийинчиликларни ортда қолдириб, чексиз ютуқларга эришиб келаётганига комил ишонч ҳосил қиласиз.

— Ўша машъум уруш йиллари корхонамизга асос солинган, — дейди завод директори Йўлдош Ғуломович Ғуломов. — 1943 йили республикамиз пойтахтидан янги корхонанинг дастлабки маҳсулотлари савдога чиқарилди. «Кружилинский» «Ширин-баян» каби навлар республикамизда кенг ривожлантирилди, ўзига хос шуҳрат қозонди. Кейинчалик шампан винолари, май ичимликлари ишлаб чиқариш Наманган ва Қаршида ҳам йўлга қўйилди. Бир фикрни алоҳида қайд этмоқчиман: ГАРЧАНД ФРАНЦИЯ ШАМПАН ВИНОСИНИНГ ВАТАНИ ҲИСОБЛАНСАДА, ЛИЦЕНЗИЯ ТОШКЕНТДАН ОЛИНГАН.

Қайта қуришнинг оғир зарби кўплаб соҳа каби бизнинг ишимизга ҳам тўғаноқ бўлди. Ҳосили кўзни қамаштирадиган мевали боғлару ҳадсиз узумзорлар ер билан яксон қилинди. Узоқни кўзламасдан иш кўришнинг оқибати нималарга олиб келгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Яралганнинг ризқини худо беради. Шукурлар бўлсинким, республикамизнинг давлат мустақиллиги ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётгани эртанги яхши кунларимиздан далолат бермоқда. Мустақилликни мустаҳкамлашга биз ўзимизнинг амалий меҳнатимиз билангина эришамиз. Соҳамизга бўлган жиддий эътибор ҳозир ҳар қачонгидан ҳам ортган. Олдинлари 100 фоиз давлат буюртмасига бўйсинардик. Ўз эҳтиёжларимизни қоплашга, ишчи-хизматчиларимизнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилашга, янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишга эришиш учун бу йилдан давлат буюртмасини 70 фоиз қилиб белгиладик. Қолган 30 фоиз маҳсулот юқоридаги мақсадлар учун сарфланади.

КОРХОНА БИР ЙИЛДА 10 МИЛЛИОН ДОНА ШАМПАН ВИНОСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА. Аммо амалда бунинг 55 фоизигина таъминланмоқда. Шиша идишларнинг тақчиллиги маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга тушов бўляпти. Ишбилармонларнинг фикрига қараганда, мустақил республикамизда шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани вужудга келтириш зарур. Агар бу ишнинг уддасидан чиқилса, заводнинг шиша идишларга бўлган эҳтиёжи қондирилса, жамоа бир йилда 20 миллион дона шампан виносини ишлаб чиқариши мумкин.

«Олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш кўриш завод ишчи-хизматчиларига тамоман ёт хислат. Улар мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ўз ички имкониятларидан кенг фойдаланмоқдалар. Яқинда завод мутахассислари Болтиқбўйида бўлишиб, 167 минг дона яшчикни бартер йўли билан олишга шартнома тузиб қайтдилар. Ана шундай келишув Донецк вилояти билан ҳам йўлга қўйилди. Энди ўртадаги мустаҳкам, қатъий шартномага мувофиқ шу вилоятдан ТОШКЕНТГА 2,5 МИЛЛИОН ДОНА ШИША ИДИШ ЖЎНАТИЛАДИ. БУНИНГ ЭВАЗИГА УЛАР ТОШКЕНТ ШАМПАН ВИНОСИДАН ОЛИШАДИ. Бартер йўли орёлликларга ҳам мос келди. Корхона мутахассислари билан олиб борилган узоқ муддатли музокаралардан сўнг улар Тошкент шампан виноси заводи учун шиша идишлар ишлаб чиқарадиган корхона қуриб беришга ваъда бердилар. Бу завод Ғазалкентда қуриладиган бўлди.

Бу ишларга корхона директори Йўлдош Ғуломовнинг ўзи бошчилик қилмоқда. Ишнинг кўзини биладиган бу маҳоратли раҳбарнинг узоқ йиллик бой, амалий тажрибаси кўпчиликка қўл келяпти. У 1956 йили Тошкент давлат политехника институтини тамомлаб, Китоб вино заводига ишга борди. Бу ерда турли лавозимларда ишлаб, 1962 йили корхонага директор бўлди. Ўша йиллари Тбилисида ўтказилган кўргазмада заводнинг «Кабирне», «Ширин» винолари олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланди. 1972 йилдан буён эса Йўлдош Ғуломов Тошкент шампан винолари заводида ишламоқда. Уни кўпчилик яхши билади. Тажрибали мутахассис сифатида алоҳида қадрлашади. Шунинг учун ҳам жамоа 1987 йили уни сайлов йўли билан корхона директорлигига сайлаган. Шундан буён Йўлдош Ғуломович жамоа ташвиши билан яшамоқда. Корхона маҳсулотлари шуҳратини оширишга алоҳида куч-ғайрат сарфлаяпти. «ЗИЛОЛА», «ДУРДОНА», «НАВРУЗ» сингари янги шампан винораларининг юзага келишида ҳам унинг хизматлари беқиёс.

УМУМАН, БУ ЙИЛДАН КОРХОНАНИНГ 11 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТИ ЎЗИНИНГ ЎЗБЕКЧА НОМИГА ЭГА БЎЛАДИ.

Айни кунларда завод маҳсулотларини чет элга чиқаришга, корхонада хорижий линияларни ўрнатишга жиддий ҳозирлик кўрилмоқда. ПОЛЬША, ЧЕХОСЛОВАКИЯ, ТАИЛАНД, ХИНДИСТОНДА ЗАВОДНИНГ ФИРМАЛИ ДУКОНЛАРИНИ ОЧИШ МЎЛЖАЛЛАНЯПТИ. Шу мақсадлар учун корхонани кенгайтириш, қувватини ошириш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Т. ТОШЕВ,
Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: қуюв цехида; корхона директори Йўлдош Ғуломов; маҳсулотлардан намуналар; «Зилола» фирмали дўконининг умумий кўриниши.
В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Халқ қаҳрамони Мадаминбек ҳаёт бўлганида 100 ёшга тўларди

Рўзномамизда Мадаминбек ҳақидаги мақола чоп этилиши билан уни қўллаб-қувватловчи мақолалар оқиб кела бошлади. Лекин уларнинг орасида баҳс талаб мактублар ҳам йўқ эмас. Биз Ўзбекистон Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин — «оқ доғлар»нинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз.

Шундай экан, мақола ҳақида фикрларни аниқ билиш мақсадида уни бир неча муштарийларга бердик. Уларнинг айримлари — икки тарих фанлари докторининг фикрини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Алишер ИБОДИНОВ.

МИЛЛАТИМ-ЖОНИМ МЕНИНГ!

МУҲАММАДАМИНБЕК АҲМАДБЕК ЎҒЛИ ҲАЁТИНИНГ БОШ ШИОРИ ШУНДАЙ ЭДИ

Кўп ўтмай икки қўрбоши икки тарафга айрилиб кетди. Рақобат душманликка айланди. Икки қўрбоши орасида ҳатто қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Мадаминбек Скобелев, Андижон ва Наманган уъездларидан ўзига йигитлар йиға бошлади. Қизил Армия қўшинлари билан дастлабки мустақил жанглар ўтказилди. Мадаминбекнинг туғма саркардалик қобилияти, тадбиркорлиги, ўзини кўрсатди. Кузда Андижон атрофида бўлган жангларда Мадаминбекнинг ёш, порох ҳидини кам ҳидлаган лашкарлари катта жасорат кўрсатдилар. Қизил Армия қўшинлари жангмайдонида 170 ўлик қолдириб шаҳарга қочиб киришди. Отряд командири Орлов ҳалок бўлди. Мадаминбек иккита замбарак, иккита пулемёт ва кўп миқдорда милтиқни ўлжа олди.

— Мен Марғилонда отамнинг уйида яшардим, — дея ҳикоя қилади Саодатхон ая, — Мадаминбек ҳеч кутилмаган пайтларда келиб қоларди. Шошиб кириб, онам билан учаламиз бир пиёла чой устида суҳбатлашардик-да у киши яна чиқиб кетарди. Қиличбек деган йигити бор эди. Доим шу йигит билан бирга юрарди. Кейинчалик кўпгина ўрис офицерлари ҳам пайдо бўлди унинг ёнида.

Ҳа, дарҳақиқат 1918 йилнинг иккинчи ярми Мадаминбек учун янги, замонавий армияни ташкил этиш даври ҳисобланади. Кечагина далада юрган бўш-баёв йигитлардан қиличбозлик, милтиқ отишда, пулемёт ва замбаракларни ишлатишда устаси фаранг аскарлар тайёрлаш жуда қийин вазифа эди. Тошлоқ районидаги ҳозирги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Гарбува қишлоғида машқ қилинадиган махсус полигонлар вужудга келтирилди. Бу қароргоҳни аслида дастлаб Мадаминбек бунёд этган эди. Қишлоқ яқинидаги кўҳна қабристон атрофида эски қўрғон ва катта-кичик миноралар бор, қадимий қалъа сақланиб қолган эди. Ҳарбий машқлар ўтказиш учун бу жуда қулай жой эди. Мадаминбек мусулмон аскарларига ҳарбий таълим бериш учун рус офицерларини ҳам таклиф этди. Улар орасида миллати қирғиз бўлган, бироқ, рус армиясида полковник унвонигача хизмат қилган Сулаймон Кучуков ҳам бор эди.

1919 йил бошларига келиб Мадаминбек жиддий ҳаракатлар қилишга қодир бўлган уч-тўрт минг кишилик кичик армияни барпо этишга муваффақ бўлди. Шу йил 18 февралда Мадаминбек моҳирона ташкил этилган, баҳоят қалтис, мардона бир операцияни ўтказди. У ўз қўшинлари билан Фарғона вилоятининг маркази Скобелев шаҳрига бостириб кирди.Шаҳарда талотўп бошланди. Завод ва фабрикалар хавф-хатарни билдириб узундан-узоқ гудок чалишди. Қизил Армия отрядлари билан кўчаларда жангга киришилди. Бек аскарлари вилоят турмасига ҳужум қилишди ва у ерда ҳибсда ётган 200 нафар ўз сафдошлари ҳамда икки нафар юқори унвонли рус офицерини озод қилиб, ўзлари билан олиб кетдилар.

Бу бўлғуси катта урушнинг ўзига хос машғулоти эди. Бекнинг дадиллигига қойил қолиш керак. Чунки худди шу пайтда вилоятда М. Сафонов қўмондонлигидаги салкам 20 минг кишилик яхши қуролланган қизил гвардиячилар ва доимий армия қисмлари бор эди.

— Баҳорга яқин Мадаминбек бизни Андижоннинг Балиқчи қишлоғига кўчириб олиб кетди. Ўша ерда Мамажон қўрбошининг ҳовлисига тушдик. Чунки Марғилонда туришимиз хавфли бўлиб қолган, бекнинг душмани бўлган бошқа қўрбошилар, ўрислар онам билан мени ўғирлашлари, қамаб қўйишлари мумкин эди. Балиқчида икки йил яшадик. Бу ерда ҳам кам бирга бўлардик. Бек доимо сафарларда юрарди,— эслайди бекнинг рафиқаси.

Эргаш қўрбоши жангда ҳалок бўлгач, водийдаги ислом лашкарларига умумий қўмондонлик қилиш кимгадир топширилиши керак эди. Ғарбувада бўлган кенгашда бу лавозимга Мадаминбек лойиқ топилди. Шермуҳаммад қўрбоши, Раҳимберди халифа, Муҳиддинбек, «Парпи ботир» номи билан шараф топган андижонлик Парпи қўрбоши ва бошқа бир қатор қўрбошилар ўз отрядлари билан унга қўшилишди. Тошкент исёнида мағлубиятга учраган К. Осипов 75 нафар офицер билан келиб Мадаминбекка қўшилди. Скобелев шаҳрида яширин суратда иш олиб бораётган собиқ рус офицерлари тўғараги Мадаминбек қароргоҳига 55 нафар юқори малакали офицерлар юборди. Чинободда бўлган йиғилишда махфий офицерлар тўғараги вакиллари ўлканинг барча шаҳарларидаги ватанпарвар рус офицерлари ва ҳарбий хизматга лойиқ кишиларни Мадаминбек қўшинлари сафига қўшишга ваъда бердилар. Мадаминбек ўз навбатида водийдаги рус аҳолисига мурожаат қилиб ўз армиясига қўшилган ҳар бир оддий аскарга ойига минг сўмдан, офицерларга эса 2 минг сўмдан маош тўлаяжагини, уларнинг диний эътиқодларига дахл қилмаслигини эълон қилди.

Очиғини айтганда ўша пайтларда ва ундан кейин ҳам ҳеч бир қўрбоши Мадаминбекчалик ўзини русларга яқин тутмаган. Хўш, Мадаминбек руспараст эдими? Йўқ, у узоқни кўра биладиган доно сиёсатчи эди, холос. Бекнинг рус аскар ва офицерларини ўз қўшинига чорлашининг жиддий сабаблари бор эди. Чунки Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олингач бу ердаги мавжуд армиялар йўқ қилинган, ёш авлод ҳарбий санъат, жанг илмидан мутлақо бехабар эди. Рус солдат ва офицерлари билан ёнма-ён жанг қилиш эса ўз йигитлари учун мактаб бўлиши келгусида мустақил мусулмон армиясини ташкил этишда муҳим роль ўйнашини Мадаминбек яхши тушунарди.

Эндиликда Жалолобод ва Ўш шаҳарлари атрофида иш кўраётган К. Монстровнинг деҳқонлар армияси билан бирлашиш масаласи юзага келганди. Ўша атрофлардаги рус қишлоқлари аҳолисини талончи тўдалардан мудофаа этиш мақсадида юзага келган бу армия Мадаминбекни водийдаги ягона маданиятли, қобилиятли саркарда сифатида тан олди. 1919 йил апрель ойида Наманган ва Қўқон шаҳри атрофларида Мадаминбек армияси билан Қизил Армия қисмлари ўртасида шиддатли жанглар бўлди. Жангларда Мадаминбек қўшинлари ғолиб чиқдилар. Натижада Шўролар ҳукумати амалда фақат йирик шаҳарлардагина қолди, холос. Водий қишлоқлари асосан Мадаминбек қўлига ўтди. У шаҳарлардаги тинч аҳолига мурожаат қилиб, ҳарбий ҳаракатлар пайтида шаҳарларни тарк этишга чақирди. Бу ортиқча қурбонлар бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилган инсонпарвар саркардага хос иш эди.

Монстровнинг деҳқонлар армиясини аслида Шўролар ҳукумати тузган, 1918 йил охирларида Фарғона вилоятининг рус қишлоқларида ўз-ўзидан ҳимоя отрядлари пайдо бўла бошлади. Улар даставвал «Жалолобод деҳқон отряддари» номини олишган. Кейинроқ бу отрядлар бирлаштирилиб, деҳқонлар армияси ташкил топди. Бу армия Фарғона фронти қўмондонлигига бўйсунарди. Фронтнинг оператив штаби томонидан 1918 йилнинг декабрида деҳқонлар армиясига 30 минг дона ўқ, 100 дона граната, 300 минг сўм пул, 1919-йил февралида 3 та замбарак, 500 минг сўм пул, 19 апрелда эса бир миллион сўм пул берилди. Натижада рус деҳқонлари армияси водийдаги маблағ ва қуролланиш жиҳатидан энг қудратли тузилмалардан бирига айланди. Армия таркибида тўртта полк бўлиб, уларнинг ҳар бирида 450-500 дан ортиқ аскарлар мавжуд эди. Бироқ, Монстров армияси шўроларни ҳимоя қилмади. Туркистон ҳукуматининг республикадаги мавжуд дон заҳираларини давлат ихтиёрига ўтказиш ҳақидаги қарори мужикларни ғазаблантириб юборди. Бу қарорга мувофиқ деҳқонлар қўлидаги барча дон заҳиралари зўрлик билан давлат ихтиёрига тортиб олинарди. Бу, албатта, водийнинг тоғолди районларидаги жуда катта лалмикор майдонларда минглаб тонна буғдой етиштирган рус бойлари ва ўрта ҳол деҳқонларига ёқмас эди.

Натижада Монстров бошчилигидаги армия Мадаминбек томонига ўтди. 1919 йил 1 сентябрь куни Монстров ва Мадаминбек Шўролар ҳукуматига қарши биргаликда ҳаракат қилиш ҳақидаги шартномани имзоладилар. Бирлашган армия бош қўмондони этиб Мадаминбек тасдиқланди. Водийнинг йирик шаҳарларини эгаллаш учун кураш қизиб кетди. Сентябрнинг дастлабки кунлари Мадаминбек лашкарлари Жалолобод шаҳрини эгаллаб олишди. Қуршаб посёлкаси ёнидаги жангларда қизил қўшинлар қақшатғич зарбага учраб, Ўш шаҳрига чекинди. Ўш ҳарбий-стратегик жиҳатдан жуда қулай ерга жойлашган. Водийни Хитой, Афғонистон, Ҳиндистон, Бухоро билан боғлайдиган йўлларнинг устида эди. 7 сентябрь куни кучли жангдан кейин Ўш гарнизони таслим бўлди. Мадаминбек қўшинлари тантана билан шаҳарга кириб борди. Ўш Мадаминбек армияси қўлига ўтган куннинг эртасига шаҳар майдонида кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди.

ОЗОД ТУРКИСТОН УЧУН

Сунбуланинг тўлиб-тошган кунлари. Сўлим Ўш боғларида мевалар ғарқ пишган. Кўча ва бозорларда душман қўлига ўтган шаҳар кайфияти сезилмайди. Аксинча, одамларнинг юзларида аллақандай хотиржамлик. Мусулмонлар бир-бирини табриклайдилар. Шаҳар аҳолисига нисбатан бирорта ҳам зўрлик ҳолати қайд этилмади. Турмалардаги барча маҳбуслар озод қилинди. Мадаминбек лашкарлари ўзларини жуда интизомли тутганликларини шўро тарихчилари ҳам таъкидлайдлар. Митинг минбарида «Яшасин мустақил Туркистон!» деб ёзилган шиор ҳилпирарди. Дастлабки ғалаба нашидасидан кўзлари чақнаган, жасоратли Мадаминбекнинг нутқига майдондаги ҳар бир киши нафас ютмай қулоқ солди.

— Биз Туркистоннинг мустақиллиги учун курашяпмиз! Туркистон Туркистон халқининг юртидир! Мусулмонлар, бирлашайлик! Мен муқаддас Туркистонимиз озодлиги учун охирги томчи қоним қолгунча курашаман. Оллоҳу акбар! Ё шаҳид, ё ғозий!

Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин — «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Аммо албатта ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам кекса авлодларнинг пешона тери билан ва қони билан суғорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг маънавий соғломлиги олдида кечирилмас хато бўлур эди.

И. КАРИМОВ.

(«Қизил армия марказий архиви, фонд 25 859, оп 1д44320 варақ)

Мадаминбек генрал Алексеевни шаҳар коменданти этиб тайинланди. Ўш, Жалолобод шаҳарлари атрофидаги юзлаб катта-кичик қишлоқлар, уездлар Мадаминбек ҳукуматини тан олди.

Фарғона фронти қўмондони М. Сафонов бошчилигидаги қўшинлар Аравон томондан ҳужум қилди. Аммо уч кунлик шиддатли жанглардан сўнг Сафонов қўшинлари Қувадаги Федченко темир йўл бекати посёлкаси томонга улоқтириб ташланди.

Мадаминбек армияси Андижон, Скобелев ва Наманган томон кенг фронтда юриш бошлади. 13 сентябрь куни Мадаминбек қўшинлари Марғилон шаҳрини ишғол этди.

— Уч-тўрт кундан кейин мени олгани Балиқчига извош борди. Извошни йигирмага яқин отлиқ аскарлар қўриқлаб келишди. Бир йиллик интизорликдан сўнг онам сингилларим билан дийдорлашдим. Марғилон Мадаминбекнинг келишидан ҳурсанд эди, — хотирлашда давом этарди Саодатхон ая. — Бек ҳузурига одамлар жуда кўп келарди. У шаҳардаги ўғри-каззоблар, текинхўрларнинг адабини берди.

Қизил Армия қисмлари амалда йирик шаҳарлардаги қалъаларнинг қалин деворлари ортига яшириниб олган эди. 15 сентябрь куни Марғилонда ислом лашкарлари ва иттифоқдош рус армияси раҳбарларининг Мадаминбек бошчилигидаги қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой Фарғонада ҳокимиятни қўлга олиш ҳақидаги Мадаминбек режасини маъқуллади ҳамда Туркистон аҳолисига мурожаат қилиб, ўлкада таъсис кенгашини чақиришни таклиф этди. Кенгашда ўринларнинг асосий қисми ерли мусулмон аҳоли вакилларидан ташкил топиши шарт, дейилган эди. Мазлум Туркистоннинг ножот излаган кўзлари ўз миллий қаҳрамони Мадаминбекка қадалган эди. Кўп ўтмай, Андижонни қамал қилиш бошланди. Туркистон ҳукумати Андижонни жон-жаҳди билан мудофаа этди. Чунки Андижоннинг қўлдан кетиши аслида Фарғона вилоятида шўро ҳукуматининг тугатилиши демак эди.

Қўқондан Андижонга етти вагон тўла аскар юборилди. А. Соколов бошчилигида тиш-тирноғигача қуролланган Қозон полки зудлик билан Закаспий фронтидан олиниб, Андижонга ташланди. Асосан чех, венгер, австриялик собиқ асирлардан ташкил топган Э. Кужело бошчилигидаги отлиқ байналмилал полк ҳам Андижонга келди. Уларнинг ҳаммаси Фарғона фронти қўмондони М. Сафоновга бўйсунарди. Қаттиқ жанглардан сўнг Мадаминбек аскарлари Андижоннинг эски шаҳрини ишғол қилишди. Афсуски, орага сўнгги дақиқаларда хиёнат аралашди. 23 сентябрь куни тунда деҳқонлар армиясининг катта қисми ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ўз позицияларини ташлаб, номаълум томонга кетиб қолди. Фронт чизиғида ҳосил бўлган бўшлиқдан қизил аскарлар усталик билан фойдаланишди. 24 сентябрь куни қизилларнинг бирлашган кучлари ичкарига ёриб ўтди. Андижоннинг қизил мудофаачилари қалъадан чиқиб зарба бера бошлади. Оқшомга қадар шаҳар кўчалари, Боғишамол қирларида жанг қизиди. Иккала томондан ҳам юзлаб кишилар ҳалок бўлдилар. Мадаминбек чекинишга мажбур бўлди.

Шу ерда Мадаминбек ҳаётида худди Мирзо Бобур тақдиридаги бир воқеага ўхшаш ҳодиса юз берди. Унинг қўшинлари Андижондан чекиниб, Ўшга келаётган пайтда шаҳар ҳокимлари сотқинлик йўлига ўтдилар. Шу куни турмалардаги шўро раҳбарлари чақирилиб яна ўз жойларига қўйилдилар. Шўро ҳукумати тарафдорлари қалъани эгаллаб олишди. Кечагина Мадаминбекни олқишлаган Ўш бугун уни совуқ назар билан ўқлар ёғдириб кутиб олди. Икки ўт орасида қолган Мадаминбек Жалолободга чекинди. Жалолобод йўлида рус деҳқонлар армиясининг катта қисми қочиб, тарқалиб кетди. 30 сентябрда қонли жанглардан сўнг қизил қисмлар Жалолободни эгаллашди. Мадаминбек қўшинлари Помир, Олой тоғларига чиқиб кетди.

Илк мағлубият алами жуда аччиқ эди. Қорли Помир чўққилари орасида жойлашган кичик Гулча қалъасида макон топган Мадаминбекнинг иродаси синмади. У армияни янгитдан ташкил этиш, йигитларни кўпайтириш, чет эллар билан алоқа боғлаш йўлларини қидира бошлади. Эндиликда водий ичидаги таъминот манбаълари чекланиб қолган, Мадаминбек учун ҳалқаро майдонга чиқишдан бошқа йўл йўқ эди. Уни бежиз уста сиёсатдон демаганлар. Узоқ мулоҳазалардан сўнг бир қарорга келинди. 1919 йил октябрида Помирдаги Эркаштом овулида собиқ чор ҳукуматининг Қашқадарёдаги консули Успенский иштирокида ислом лашкарлари қурултойи бўлди. Қурултойда муваққат Фарғона ҳукумати тузилгани эълон қилинди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи ва бош қўмондон, Монстров ҳукумат бошлиғи ўринбосари, генерал Муханов ҳарбий министр, адвокат Ненсберг ички ишлар вазири, Ҳакимжон Азизхонов Молия вазири этиб тайинладилар. Ҳукумат таркиби 16 мусулмон ва 8 рус кишидан ташкил топган эди. «Биз Туркистон мусулмонлари учун мустақил мусулмон давлатини барпо этиш энг олий мақсаддир!» деди Мадаминбек ўз нутқида. Орадан ўн кун ўтар-ўтмас ҳозирги Ёзёвон райони ҳудудидаги Қоратепа қишлоғида жойлашган Мадаминбек қароргоҳига афғон армиясининг генерали бошлиқ Туркия, Афғонистон ва Озарбайжон ҳукуматлари қўшма делегацияси ташриф буюрди. Қизил Армия агентураси махфий маълумотларига кўра, Мадаминбекка кўп миқдорда қурол-яроғ ваъда қилинди. Унга ёрдам учун Помир тоғлари оша ўн минг кишилик яхши қуролланган, афғон қўшинлари Фарғонага келадиган бўлди. Куз ойларида Мадаминбек Қобулдан юқоридаги ваъдаларни тасдиқловчи расмий хатни олди. Мактубга афғон амирининг ўзи имзо чеккан эди. Ўз навбатида Мадаминбек элчилари Қобулга жўнадилар. Мадаминбек ҳукуматининг ҳалқаро алоқалари кенгая борди. Унинг қароргоҳида мустақил Бухоро амирлигининг беш нафар доимий консули, рус оқ гвардиячи ҳукуматларининг вакиллари ҳам бор эди. Бу ҳукуматни ҳатто чет элларда расман тан олишга уринишлар ҳам бўлган. Оллоҳободда инглиз тилида чиқадиган «Пионер» рўзномасининг хабар беришича, 1919 йил декабрь ойи ўрталарида Англия парламентида Туркистонда пайдо бўлган янги мустақил давлатни тан олиш, бу ерга ҳалқаро комиссия юбориш масаласи кўтарилган. Аммо парламент узоқ тортишувлардан сўнг бу таклифни рад этган (СССР ташқи ишлар министрлиги архиви. фонд 152. 1919 Опис 2. дело 23 варақ).

Ягона, кучли ва малакали мусулмон армияси тузиш ишлари қизиб кетди. 150 та отряддан иборат тўртта йирик қўшилма тузилди. Уларга Мадаминбек, Эргашбек, Холхўжа ва Шермуҳаммадбеклар қўмондонлик қилишарди. Қўшилмалар командирлари бевосита бош қўмондон Мадаминбекка бўйсунишарди. Отрядларда собиқ чор офицерларидан ташкил топган ҳарбий инструктор лавозими жорий этилган эди. Отряд командирлари таёрлаш бўйича махсус курслар ташкил этилди. Курсларга ислом лашкарлари орасидаги мустақиллик ғоясига садоқатли, ақлли, жасур йигитлар танлаб олинарди. Уларда собиқ чор генерал ва офицерлари бўлғуси командирларга ҳарбий санъат тактика ва стратегиясидан сабоқ бера бошладилар. Ҳукумат ҳузурида чет элдан қурол-яроғ сотиб олиш билан шуғулланадиган махсус идора, ҳукуматнинг мақсад ва вазифаларини халққа тушунтириш билан шуғулланадиган ғоявий уюшма ташкил этилди. Кундалик рўзномалар чиқариш имконияти чеклангани учун бу уюшма асосан ёзма чақириқлар чиқариш ва уларни халқ орасида тарқатиш билан машғул эди. 1919 йилнинг кўз ва қишида уюшма юздан ортиқ шундай чақириқ ва баёнотлар чиқарди.

Фарғонани йўқотиш Туркистонни йўқотиш билан баробар эканлиги Москвага равшан эди. Бухоро ва Хивани қайта қўшиб олиш режаларини ҳам Фарғонадаги урушни якунламай туриб амалга ошириш қийин эди. Халқлар доҳийсининг диққат-эътибори Туркистонга қаратилди.1919 йил сентябрида Ленин Турккомиссия — РСФСР халқ комиссарлари кенгаши ва Бутунроссия Марказий ижроия комитетининг Туркистон ишлари бўйича комиссия тузилганлиги ҳақидаги қарорга имзо чекди. Тарихимизда ўта машъум роль ўйнаган бу комиссия Туркистонда ҳокимиятнинг ҳақиқий эгаси бўлиб, унга ҳатто чет давлатлар билан алоқа ўрнатишгача бўлган катта ваколатлар берилган эди. Унга Ленининг энг яқин сафдошлари киритилган бўлиб, Турккомиссиянинг олти аъзосидан уч нафари — М. Фрунзе, В. Куйбишев, Я. Рудзутак, кейинчалик, ВКП (б) бош котиблигига лойиқ номзодлар деб ҳисобланганликлари бежиз эмас. Турккомиссия ўзи билан бирга Туркистонга масъул лавозимларда ишлаш учун 117 нафар европалик партия — совет ходимларини олиб келди. Қаранг, 1985-88 йилларидаги Ўзбекистонга марказдан кадрлар экспорт қилиш воқеалари қанчалик теран илдизларга эга анъана экан!

Турккомиссия маҳаллий аҳолини большевиклар томонига ағдариш учун қатор тадбирлар ўтказди. Шўро ҳукумати маҳаллий органларига мусулмонлар ҳам жалб этила бошланди. Маҳаллий тилларда сон-саноқсиз деворий газеталар чиқарилди. Бу газеталар ҳар куни шаҳарлар ва йирик қишлоқлардаги маскитлар ва чойхоналарда тарқатиларди. Ўзбек тилида чиққан деворий газетанинг биринчи сони Ленинга юборилган ва у газетани синчиклаб кўриб чиққан. Маҳаллий аҳоли орасида ташвиқот ишлари олиб бориш учун ёлғиз Фарғона партия ташкилотига 15 миллион сўм пул берилди. Одамлар кўчаларда очликдан ўлаётган, иқтисоднёт даҳшатли даражада издан чиққан бир пайтда ташвиқотга шунчалик катта аҳамият берилишининг маъноси чуқур. 1916 йилги қўзғолон пайтида чор ҳукумати мусодара қилган ерларни эгалари — маҳаллий деҳқонларга қайтариш ҳақида декрет тайёрлана бошланди. Халқ орасида болшевиклар партияси номидан деҳқонларга пул, бепул озиқ-овқат тарқатилди. Оч-ялонғоч аҳолининг айрим табақалари ўртасида қизилларга нисбатан қаҳр-ғазаб ҳисси бир мунча бўшашди. Ўз армиясини аранг боқаётган Мадаминбекда бундай имкониятлар йўқ эди, албатта.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши рўзноманинг 50-сонида).

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ

Республикамизнинг етакчи рўзномаси «Ўзбекистон овози»да Мадаминбек ҳаёти ва сиёсий фаолиятига бағишланган туркум мақолаларнинг эълон қилиниши илмий ва маънавий ҳаётимизда катта воқеа. Мадаминбекдек ҳаёти мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла шунингдек, буюк шахс ҳаётининг шахсий, маънавий, сиёсий, ҳарбий қирраларини ёритишга жазм қилиш журналист Алишер Ибодинов томонидан жасурликдир.

Янги топилган, топилаётган ва олдин йиғилган манбалар асосида гражданлар уруши масалаларини тўғри, холисона ёритишимиз керак. Тома-тома кўл бўлур дегандаридек, бу катта ва мураккаб тарихий мавзунинг айрим масалалари, жиҳатлари, қаҳрамонлари ёритилиб, келажакда улар асосида янги ҳужжатлар, янгича қарашларга суяниб ёзилган бир бутун асар пайдо бўлади. (Шу маънода муаллифнинг кўп қидирувлар, оғир меҳнат ва истеъдод натижасида вужудга келган очеркини табриклаш, қадрлаш лозим. Муаллиф муҳим, долзарб ишга ўз ҳиссасини қўшган.)

Мақолада Мадаминбекнинг рафиқаси Саодат ая ва унинг ҳамқишлоқлари хотираларидан кенг фойдаланилган. Бу нодир манбалар Мадаминбекнинг шу вақтгача ёритилмаган шахсий ва маънавий ҳаётини очиб беришда муаллифга қўл келган, мақолани жуда ишончли, қизиқарли, ўқимишли қилган.

Муаллиф мақолани тайёрлаш жараёнида гражданлар уруши тарихига оид асарлардаги ҳужжатлардан, далиллардан ўринли фойдаланган, улар асосида ўз нуқтаи назарини баён этган. Мадаминбекнинг сиёсий, ҳарбий фаолияти фактлар асосида тартиб билан ҳикоя қилинган.

Мақолада Мадаминбек ўз лашкарлари, рус офицерлари, уларнинг тарафдорлари билан бирга Совет ҳокимиятига қарши мустақил Туркистон учун курашганлиги тўғрисидаги фикр очиқ айтилади. Бу тарихий ҳақиқат, далиллар ҳам шундан далолат беради. Мадаминбекнинг ғоявий-сиёсий қарашларига оид манбалар ҳозирча жуда оз. Шу сабабли муаллиф бу масалани атрофлича талқин қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган.

Мадаминбек лашкарлари 5—10 минг кишига етди, деб мақолада тўғри кўрсатилади. Лекин Фарғона аҳолисининг бир қисми Мадаминбек ва бошқа саркардалар тарафига ўтиб, Совет ҳокимиятига қарши курашганлигининг, кейинчалик бу лашкарлар—собиқ деҳқонлар яна оиласига қайтганлиги, халқнинг кўпчилиги қўллаганлиги туфайли Мадаминбек мағлубиятга учраганлиги сабаблари очиб берилмаган, ўша даврдаги тарихий шароит билан Мадаминбек ҳаракати, кураши боғланмаган.

Муаллиф якунловчи мақоласида Мадаминбек ўлими тафсилоти тўғрисида тўхталиб бу фожеали воқеани Т. Рисқуловнинг Турк республикаси ва Турк Компартияси тузиш тўғрисидаги ғоялари Москвада муҳокама қилиниши ва унинг қабул қилинмаслиги сабаблари билан боғламоқчи бўлади. Лекин бу ҳақда фактларнинг йўқлиги ва тахминлар асосида бу ҳодисанинг баён этилиши уни сунъий қилиб қўйган ва ишончли чиқмаган.

Мақолада ёзиладики, «Қизил Армияга қарашли катта полкнинг командири (Мадаминбек — назарда тутилмоқда) деярли муҳофазасиз унинг душманлари ичига юборилди». Бу тарихий фактларга тўғри келмайдиган фикр ҳам Мадаминбек ўлими уюштирилган, деган нуқтаи назарни ва Рисқулов ғояларининг қабул қилинмаганлиги сабаби билан боғлаш учун айтилган фикрдир. Шуни айтиш керакки, архив ҳужжатларида кўрсатилиши ва Мадаминбек Шермуҳаммад Холхўжа олдига кичик бир отряд билан юборилган. Учқўрғонда бу отряд қолдирилиб, Шермуҳаммад қароргоҳига Мадаминбек 10 йигит билан борган ва улар душман томонидан қуролсизлантирилган.

Мақолада Холхўжа Мадаминбекнинг бошини танасидан жудо қилганлиги айтилади. Лекин сабаби тушунтирилмайди. У совет томонига ўтганлигидан ташқари Мадаминбек ва Холхўжа ўртасида рақобат, низолар олдиндан мавжуд эди. Масаланинг бу томони очеркда ёритилмаган. Холхўжа вахшийлик йўли билан ўч олди, рақибини йўқ қилди.

Бу айрим камчиликлар мақоланинг аҳамиятини, қимматини пасайтирмайди. Алишер Ибодинов мақоласи Мадаминбек ҳаётига бағишланган ҳозирча топилган манбаларга асосланиб, унинг фаолиятига, дунёқарашига янгича ёндашилиб ёзилган дастлабки очерк. Биз ўйлаймизки, муаллиф қидирувларини давом эттиради, Мадаминбек ҳақида янада мукаммалроқ асар яратади.

Иброҳимжон АЛИМОВ,
тарих фанлари доктори.

ИККИ ФИКР

ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР

Маълумки, ўзбек халқи узоқ тарихий давр давомида чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашиб келган. У ўз ватани ва дини учун жонини ҳам, молини ҳам фидо қилган. Лекин озодлик курашлари тинимсиз давом этаверди. Милоддан аввалги асрларда Эронда ташкил топган Ахмонийлар ва македониялик Александр тажовузига қарши аёл подшо Тўмарис ва Спитамен бошчилигидаги курашлар тарихда ўчмас из қолдирди. Шунингдек, араб халифалиги, сўнгра мўғуллар ҳукмронлигига қарши Муқанна, Маҳмуд Торобий ва сарбадорлар бошчилигидаги қўзғолонлар диққатга сазовор.

Миллий-озодлик ҳаракатлари чор Россияси ўлкамизга бостириб кирганда ҳам авжга минди. Чунончи, ўзбек халқи XIX асрнинг 50 — 70-йилларида, яъни чорак аср мобайнида чор қўшинларига қарши мардоновор жанг қилди. 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги халқ қўзғолонлари шулар жумласидандир.

1917 йилдаги февраль буржуа-демократик ва сўнгра октябрь инқилобидан кейин собиқ Россия империясидаги барча халқлар, шу жумладан, ўзбеклар том маънодаги озодлик ва эркинликка чиқишга умид боғлаган эдилар.

Бироқ, Туркистон ўлкасида большевиклар партияси ва Совет ҳокимияти вакиллари қонунсизлик, адолатсизлик билан иш юритиб, туб аҳоли устидан зулм ва ҳўрликни тобора кучайтириб борди. Ҳатто, туб аҳоли вакиллари юқори ҳокимият бошқарувига яқинлаштирилмади. Миллий манфаатларга зид ишлар сурбетларча амалга ошириб борилди. Миллий зиёлилар ва руҳонийлар вакиллари «халқ душманлари» ва «империализм малайлари» сифатида қораланди. Қизил аскарлар халқнинг мол-мулкига чанг солди. Шунингдек мустамлакачиликка қарши ,тузилган «Қўқон мухторияти» яъни бўлажак миллий давлатнинг негизи Қизил Армия томонидан шафқатсизларча мажақланди.

Натижада меҳнаткаш оммани сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти шу даражада оғирлашиб, мураккаблашиб кетдики, уни сўз билан таърифлашга қалам ожизлик қилади. Шу боисдан меҳнаткаш омма қўлига қурол олиб Кўршермат, Мадаминбек, Иброҳимбек ва бошқа юртга содиқ кишиларнинг бошчилигида миллий-озодлик ҳаракатларини бошлашга мажбур бўлдилар. Большевиклар эса бу озодлик курашларини «босмачилик» номи остида қораладилар. Ваҳолонки, улар чор ҳукуматини мустамлакачилик ва миллий зулмни давом эттираётган большевикларнинг ҳукмронлигига қарши кўтарилган умумхалқ ҳаракати эди. Бу ҳақда 1922 йил 18 июлда Туркистон Марказий Ижроия Комитети йиғилишида «Босмачилик» масаласи бўйича маъруза қилган Халқ Комиссарлар Кенгашининг раиси К. Отабоевнинг «1919 — 1920 йилларда Фарғонада қароқчилик ҳам, босмачилик ҳам эмас, балки халқ қўзғолон кўтарган эди», — деган сўзлари ҳам тасдиқлайди. Дарҳақиқат, «Босмачилик» номи большевиклар томонидан тўқилган уйдирма, холос.

Ҳозир республикамизда мустақиллик ва эркинлик барқарор бўлиб турган пайтда тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш, оммалаштириш шу куннинг талаби. Шунинг учун ҳам бу соҳада «Ўзбекистон овози» рўзномасининг ташаббусини ўта қувватлайман. Шубҳасиз, Алишер Ибодиновнинг мақоласи илдизи узоқ тарихий даврларга уланиб кетган миллий-озодлик («Босмачилик») ҳаракатини оммалаштиришда фойдадан ҳоли эмас.

Мақолада «Босмачилик» ҳаракати худди шу нуқтаи назаридан ёритилиши тўғри, деб қисоблайман. Унда шу кунгача бўлмаган жуда қизиқарли маълумотлар келтирилди. Айниқса, Мадаминбекнинг рафиқаси Саодат опанинг хотиралари ноёб. Хулоса шуки, рўзнома бошлаб берган ташаббусни давом эттириб, Фарғона водийсидаги «Босмачилик» ҳаракатини кенг кўламда ўрганиш ва оммалаштириш мақсадга мувофиқ. Ишончимиз комилки, ушбу мақола кенг ўқувчилар томонидан мамнуниятлик билан қабул қилинади ҳамда турли фикр-мулоҳазаларни баён этишга туртки бўлади.

«Босмачилик» ҳаракатининг муҳимлиги шундаки, у ўзидан ватанимизни мустақилликка ва эркинликка эришишни асосий вазифа қилиб қўйган эди. Улар меҳнаткаш оммани сиёсий онги ва ватанпаварлик туйғуларининг ривож топишида муҳим роль ўйнайди. Бугунги республикамизнинг мустақиллигида, шубҳасиз, босмачилар ҳаракатининг улуши катта. Шунинг учун ҳам уларни мустақиллик ва эркинлик рамзи сифатида баҳолашга тўла асос бор.

Ҳамид ЗИЯЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

• Тадқиқотчи таклифи

МУСТАҚИЛ УЮШМА КЕРАК

● Кейнинги вақтда вақтли матбуот саҳифаларида, ижодий давраларда жумҳурият бахши-шоирларини бирлаштирадиган, уларнинг ижодкорлик ва ижрочилик фаолиятига раҳнамолик қиладиган мустақил уюшма тузиш мақсадга мувофиқ, деган таклиф бот-бот айтилмоқда.

Ҳар хил жамоалар, уюшмалар, ташкилотлар қўзиқориндек потиллаб чиқаётган бир пайтда уюшма керакми ўзи? Узоқ йиллардан бери халқ ижоди, фольклори билан шуғулланиб келаётган олим сифатида айтишим мумкинки, уюшма керак. Нега? Нима учун?

Маълумки, ўзбек маданияти тараққиётида оғзаки ижод анъаналари алоҳида ўрин тутади. Дарҳақиқат, ўзбек эли адабиётининг нақадар кўп ва хўблигини тасаввур қилиш учун ўнлаб, ҳатто юзлаб жилдларни ташкил этиш мумкин бўлган қадимий асотирлар, афсоналар, ривоятлар, эртаклар, мақоллар, топишмоқлар, латифалар, қўшиқлар, оғзаки драма намуналари, болалар фольклори ва бошқа қатор жанрларни истисно қилганда, умри асрлар билан ўлчанувчи бебаҳо дурдоналар — «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустамхон», «Келиной» каби достонлар туркумларини кўрсатиб ўтиш кифоя. Ўнлаб мисолдардан фақат биринигина келтирамиз. Масалан, машҳур «Гўрўғли» силсиласига мансуб «Гўрўғли», «Ҳасанхон», «Авазхон», «Равшанхон», «Нурали», «Шерали» каби туркум ичида туркум достонлардан ташкил топган ва умумий сони юздан ортиқ мустақил сюжетли асарлардан иборат. Турли нусхалари билан қўшиб ҳисоблаганда бу рақам икки юздан ошиб кетади ва уларнинг ҳар бири ҳам тугалланган бадиий мукаммал асарлардир. Шу ва шунга ўхшаш мингминг мисралар ва насрий қисмлардан иборат бебаҳо меросни қувваи ҳофизаларида сақлаб, тарих йиқитларидан эсон-омон олиб ўтиб, асраб-авайлаб бизгача етказиб келганлар — халқ бахши-шоирларидир.

Ўзбек бахши-шоирлари неча минглаб мисралардан ташкил топган эллик-олтмишлаб достонларни зўр кўтаринкилик ила куйлаш билан бирга, айни чоғда улар ҳам моҳир созанда, ҳам чечан ҳонанда, ҳам бадиҳагўй ижодкор, ҳам чарчамас тарғиботчи, ҳам бой маънавий хазинани асраб қолувчи ва авлодларга етказувчи, ҳар бири ўзига хос олам бўлган фидойи санъаткорлардир. Улар ниҳоятда кўп бўлиб, «Қўрғон», «Булунғур», «Шеробод», «Жўма», «Қамай», «Қўтир қишлоқ», «Кўлбуқон», «Хоразм» сингари ўндан ортиқ достончилик-поэтик мактабларга бирлашганлар.

Адолат билан айтганда, ҳеч бир жумҳурият ёҳуд мамлакат халқ достончилиги анъаналарига бизчалик бой эмас. Чинорнинг умри, куч-қудрати унинг илдизи қанчалик заминга чуқур отганлигига қараб белгиланган каби, ўзбек достончилик анъаналари қадимийлиги, мустаҳкамлиги, халқ ҳаёти қадриятлари, ахлоқ-одоби, орзу-умиди, кураш ва интилишлари билан чамбарчас алоқада эканидадир. Буни ҳозир ҳаёт бўлган, қадимий анъанани давом эттираётган кекса-ю ёш достончилар фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Яна шуни қайд этиш керакки, дунёдаги ҳеч бир халқ достончилик анъаналарини сақлаб қолиш ва улардан баҳраманд бўлиш бобида биздагидек жонли жараённи, яъни ижрони сақлаб қолмаган. Бунинг далили-исботи сифатида шу кунларда ҳам юз-юз элликдан ортиқ бахши шоирларнинг маданий-маърифий тадбирларда, тўй-томошаларда, катта-кичик машваратлару байрам-сайиллар, томошаларда фаол қатнашиб, элга манзур ва маъқул асарлар куйлаб, уларни хушнуд этаётганликлари, бир қатор бахши-шоирлар оилавий ижод билан шуғулланаётганликлари ва ҳоказоларни таъкидлаш кифоя. Бунинг учун биргина жанубий Ўзбекистон халқ бахшилари фаолияти билан танишиш етарлидир.

Аммо шуни афсус-надоматлар билан қайд этиш керакки, ана шу бадиҳагўй халқ ижодкор-ижрочилари ҳамон эътибордан четда бўлиб, барча ижодий уюшмалар, хусусан илк навбатда ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси ва Маданият ишлари вазирлигининг бефарқлиги туфайли, отангга бор, онагга бор тарзида ҳамма шарт-шароит ва ижодий кўмаклардан бебаҳра қолиб келмоқдалар. Шу боисдан ҳам қадимий меросимизнинг юзлаб гўзал намуналари — қаҳрамонлик, тарихий, ишқий-романтик каби анъанавий достонлар, термалар ва бошқа жанр намуналари изсиз йўқолиб кетмоқда. Буни яқинда ҳаётдан кўз юмган ва ўзи билан «Ғарибнома», «Бева Барчин», «Махтумқули», «Соҳибқирон», «Нуралининг туғилиши» каби ҳали ҳеч қаерда ёзиб олинмаган, чоп этилмаган достонларни ва бошқа кўплаб маънавий меросимиз намуналарини абадул-абад олиб кетган раҳматли Қодир бахши Раҳим ўғли (1937—1986) ҳамда умри бевақт хазон бўлган бахшилар мисолида кўриш мумкин. Шунингдек, фольклоршуносларимизнинг фидойилиги туфайли асарлари ёзиб олиб қолинган, демак, маънавий бойлигимиз жавоҳирлар сандиғига улкан ҳисса қўшган атоқли бахши-шоирларимиз руҳларини шодмон этадиган хизматлар ҳам деярли ўлда-жўлда...

Шу боисдан ҳам халқ куйчилари бошини қовуштирувчи, уларга раҳнамолик қилувчи, вақти-вақти билан ўтганлар хотирасини эслаб, эъзозлаб турувчи бирон-бир етакчи уюшманинг ниҳоятда зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Ахир бизда ҳам Озарбайжон жумҳуриятида бўлгани каби бахши-шоирлар уюшмасини тузиш мумкин эмасми? Озарбайжон «Ошуқлар уюшмаси»нинг ўз дастури, низоми, мақоми, катта ҳажмдаги жамғармаси бор. Мазкур уюшма озар ошуқларининг ижро ва ижрочилик борасидаги фаолиятига амалий раҳбарлик қилади, уларнинг мамлакатимиз ҳамда хорижий юртлардаги чиқишларини ташкил этади. Манфаатларини ҳимоя қилади. Ҳатто иш билан таъминлайди, ҳаётдан кўз юмган кунларини нишонлайди, маданий-маърифий ишларга режали равишда жалб этади ва ҳар икки-уч йилда туркий халқлар бахши-шоирлари иштирокида ўз қурултойларини ўтказиб боради (Бизда ҳеч қандай Уюшма ёки Иттифоққа эга бўлмаган хоразмлик халқ бахши-шоирлари Қурбонназар Абдуллаев (Бола бахши), унинг фарзанд-шогирдлари, ака-ука бахшилар Норбек, Етмишвой Абдуллаевлар ана шу Уюшманинг тўлақонли аъзоларидир).

Биз жумҳуриятимизда ҳам ана шундай, яъни Озарбайжон ва бошқа жумҳуриятларда бўлганидек, уюшма тузилса, унга Ўзбекистон Ёзувчилар ёҳуд Композиторлар уюшмаси каби мустақил мақом берилса, айни муддао бўлур эди, деган таклиф тарафдоримиз.

Борди-ю, шундай иш амалга оширилса, ноҳақ топталган ҳақиқат тикланган, бахши-шоирлар қадрияти ўз ўрнига қўйилган, улуғ маданиятимизнинг катта бир қисми омон қолган бўлур эди. Бахшиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, маориф ишларида, маданий-маърифий тадбирларда янада фаолроқ иштирокини таъминлашга, улар репертуаридаги асарларни чоп этиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида яхши натижаларга эришиларди.

Яна бир долзарб масалани эслатиб ўтмоқчимиз. «Ўзбекистон халқ бахшиси» (достончиси) фахрий унвонини қайта тиклаш керак. Мустақиллик қўлга киритилгач, унутилган, оёқ ости қилинган, топталган қадриятларимиз тикланаётган пайтда юқоридаги унвонни тиклашнинг ҳам вақти-соати етмадимикин?! Ўзига хос бастакор-композитор, ижрочи-актёр, халқ маънавий санъат хазинабони, ташкилотчи, маърифат жарчилари бўлмиш халқ бахшилари етакчиларининг ҳар бири Ўзбекистон халқ бахши-достончиси деган унвонга муносиб.

Малик МУРОДОВ,
профессор.



ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТИКЛАНЯПТИ

Бухоро вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида халқ ҳунармандчилиги анъаналари қайтадан тикланмоқда. Темирчилик, заргарлик устахоналари очиляпти, тикувчилик, гилам тўқиш ва кулолчилик цехлари ишга тушириляпти.

Яқинда Вобкент район маҳаллий саноат комбинати қошида кулолчилик цехи фаолият бошлади. Бу ерда 20 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса кўза, турли хил ўйинчоқлар, совға буюмлари харидорларга маъқул келди. Ҳозир цехда ойига 10 минг сўмлик маҳсулот тайёрланяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. цех бошлиғи Комил Султонов ва ишчи Раъно Бахромова. 2. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар намуналари. 3. Кулол Садриддин Мадаминов иш устида.

Суратқаш В. МОЛГАЧЕВ.

● САВОБЛИ ИШЛАР

МЕҲР МАСКАНИ

● Хўжайли болалар уйининг 70 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.

Бу тарбия масканига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асос солган эди. Ўтган йиллар мобайнида минглаб ўғил-қизлар меҳрибон кишилар қўлида тарбия олдилар, вояга етдилар ва катта ҳаётга йўлланма олдилар. Собиқ тарбияланувчиларнинг кўплари халқ хўжалиги тармоқларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида раҳбарлик лавозимларида ишламоқдалар. Врач, ўқитувчи, агроном, зоотехник, инженер-техник касбларини эгаллаб эл-юртга бажонидил хизмат қилмоқдалар. Болалар уйининг 70 йиллиги тантанасига собиқ тарбияланувчилардан кўпчилиги ташриф буюрдилар. Болалар уйининг ташкил этилиши ва унинг шонли йўли ҳақида ўзига хос гурунг бўлди.

Бу тарбия масканида 1200 нафардан ортиқ киши камол топди. Ҳозир эса 114 фарзанд тарбия топмоқда. 15 хил тўгарак ишлаб турипти. Болаларнинг билим чўққиларини пухта эгаллашлари учун барча имкониятлар муҳайё.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Д. Н. Шамшетов тарбияланаётган ўғил-қизларни, педагог-ўқитувчилар ва тарбиячиларни байрам билан чин қалбдан табриклади. Юбилей тантанасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши биринчи котиби А. Х. Асанов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Б. А. Юсуповлар ҳам иштирок этдилар.

Юбилей муносабати билан республика ва Хўжайли шаҳар ҳамда район корхоналари болалар уйига 1000 — 1600 сўмдан пул ўтказишди, қимматбаҳо буюмлар топширдилар. Шунингдек, чет мамлакатлардан олинган инсонпарварлик совғалари тарқатилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

● МУСТАҚИЛ Ўзбекистон спортчилари ҳам шу йил ёзида Барселонада ўтказиладиган олимпиада ўйинларига қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Краснодар шаҳрида мерганлик бўйича ўтказилган МДҲ очиқ чемпионати ана шундай шайликнинг ўзига хос босқичларидан бирига айланди. Мусобақада иштирок этган республикамиз мерганлари совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Жумладан, тошкентлик Шуҳрат Аҳмедов тўппонча билан эллик метрли масофадан туриб 60 марта нишонга олишда 576 очко тўплаб, Ўзбекистон рекордини янгилади. Моҳир бу мерган ўз ғалабаси билан олимпиада ўйинларига муносиб номзод эканини амалда кўрсатди. Яна бир спортчимиз Э. Осмонов пневматик тўппонча билан юз метрли масофадан нишонга олишда учинчи бўлди. Энди мерганлар Москвада ўтказиладиган халқаро мусобақада куч синашадилар.

ОТ ЎЙНАТИБ

● ТОШКЕНТ отчопарида чавандозлик бўйича Ўзбекистон шахсий биринчилиги ўтказилди.

Баландлиги 120 сантиметрли тўсиқлардан отларни муваффақиятли олиб ўтишда чирчиқлик Ф. Давлатов маҳорат кўрсатди. 130 сантиметрли тўсиқлар бўйича мусобақада тошкентлик А. Логтев муваффақият қозонди. Тўсиқлар баландлиги яна 10 сантиметрга кўтарилганда бир йўла олтита ғовга от солган тошкентлик А. Богдасарян 38,4 секундлик натижа билан ғолиблик супасига кўтарилди. Бу мусобақа чавандозларимизнинг яқин кунларда бошланадиган халқаро баҳсларига тайёргарлик босқичига айланди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА!

БОЗОР ШАРОИТИДА МУРАККАБ ҲАЕТ ЙЎЛИГА ҚАДАМ ҚЎЯЁТГАН БОЛАЛАРИНИНГ ҚАСБ ТАНЛАШ ТАШВИШИНИ ЧЕКАЁТГАН ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Яхши шароитга эга бўлган ва юқори даражали ҳақ тўланадиган доимий ишга танлов асосида қабул қилиш учун даъвогарлар олдига ўз мутахассислиги бўйича юксак тайёргарлик талаби қўйилади. Бунда ўз ҳунарини ҳар томонлама пухта эгаллаганларга алоҳида эътибор билан қаралади.

Тошкент шаҳридаги мавжуд 8, 14, 17, 41, 43-ҳунартехника билим юртлари (ҲТБЮ) заминида 9 ёки 11 синфларни битириб чиққан ёшларнинг ҳар томонлама яхши мутахассислар бўлиб етишишлари учун имкон берадиган «УНИВЕРСАЛ» ҲТБЮ Ассоциацияси ташкил этилган. У такомиллаштирилган уч йиллик дастур асосида иш юритади ва кўпқиррали мутахассисларга энг зарур бўлган эҳтиёжларни назарда тутади. Шунингдек, ҲТБЮ Ассоциациясини битириб чиқувчиларнинг энг юқори даражадаги иш ҳақи олиш имкониятини мустаҳкамлайди. Ишга танлаб қабул қилиш синовидан ўтиш қобилиятини юксалтиради.

Ўқув-ўқитув ишлари бюджет ҳисобидан ва қисман коммерция асосида ўқувчилар маблағи, шунингдек, корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга оширилади.

1992—1993 ўқув йилида ҲТБЮнинг «УНИВЕРСАЛ» ассоциацияси қуйидаги аралаш мутахассисликлар гуруҳлари бўйича

ТАНЛОВ ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

1. «С» даражали ҳайдовчи ТХ (Техник хизматчи) — авточилангар.
2. «С» даражали ҳайдовчи, электропайвандчи, чилангар — сантехник.
3. «С» даражали ҳайдовчи, машинист — бульдозерчи, ТХ авточилангари.
4. «С» даражали ҳайдовчи, автокран машинисти, ТХ авточилангари.
5. «С» даражали ҳайдовчи, ТХ авточилангари, кенг кўламли станокчи.
6. «С» даражали ҳайдовчи, ТХ авточилангари, суворчи-бўёқчи.
7. «С» даражали ҳайдовчи, ТХ авточилангари, дурадгор — уста.

8-ҲТБЮга қуйидаги манзилгоҳ бўйича ҳужжатлар қабул қилинади. У. Юсупов кўчаси. Авиационний тор кўчаси, 10-уй — «Полет» кафесининг рўпарасида 18, 48т, 97-автобуслар, 10, 23, 27-трамвайлар, 10-троллейбусда боришингиз мумкин.

Маълумот олиш учун телефонлар: 41-38-22, 41-75-54.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИНИНГ

ТРИКОТАЖ КАФЕДРАСИНИ 1980 ЙИЛДА БИТИРГАН ЕШЛАРНИНГ

1992 ЙИЛ 9 МАЙ КУНИ СОАТ 10.00 ДА

СОБИҚ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МУЗЕЙНИНГ ФИЛИАЛИ ОЛДИДА УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўрта Осиё территорияларараро темир йўл ресторанлари савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент вагон ресторанларининг хўжалик ҳисобидаги корхонаси жамоалари Тошкент станцияси йўл ресторанлари директори Х. Хоназарбековга, вагон ресторанлари директорлари М. Хоназарбеков, И. Хоназарбековларга волидаи муҳтарамалари

Муҳаббат ИНОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Узагроқурилиш» республика ишлаб чиқариш давлат-ширкат бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси колхозларда қурилиш ишлари олиб бориш давлат-ширкат бирлашмасининг собиқ раиси

Эргаш Ашурович АШУРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Тошкент давлат шарқшунослик илмгоҳи ҳузуридаги халқаро маркетинг ва менежмент маркази

"ТАДЕЛС" хорижий мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик Тошкент ассоциацияси

"АЛГОРИТМ" ассоциацияси

"Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" рўзномалари муҳарририяти билан

ҳамкорликда

ишбилармонлик ва ташқи иқтисодий фаолиятга қизиқиши, амалий иш тажрибаси, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти, банк тизилмалари, валюта-молия операциялари; халқаро ҳуқуқ билимларига эга, хорижий тилларни яхши биладиган, хушмуомала, ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлганларни, шунингдек чет элларда контракт бўйича ишлаган, ғоялари ишлаб чиқаришга жорий этилиши мумкин бўлган ихтиро ва янгиликлар муаллифларини

ташқи иқтисодиёт фаолияти билан шуғулланаётган қўшма корхона ва ташкилотларда ишлашга танлов бўйича саралаб оладиган махсус марказга мурожаат қилишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сиз ўз тажрибангиз, билимингиз, қобилиятингизга қараб етакчи мутахассис, менежер, ходим, референт, котиб, иш юритувчи, шофер ва ҳоказо ишларга таклиф этилишингиз мумкин.

Мактубларни қуйидаги манзилгоҳга жўнатишингиз мумкин: 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. "Тошкент оқшоми" рўзномаси муҳарририяти. Мактубда "Амалий таклиф" белгиси бўлиши шарт.

Мактубда қуйидагиларни кўрсатишингизни сўраймиз: фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, туғилган йилингиз, маълумотингиз бўйича ихтисосингиз, қайси чет тилларини биласиз, чет элларда ишлаганмисиз, меҳнат фаолиятингиз тўғрисида қисқача маълумотлар, шунингдек манзилгоҳингиз ва албатта уй ёки иш телефонингиз.

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 90.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.10. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.